

“Yandex Go”даги узилиш: рақамли қарамликдан чиқишнинг йўли борми?

6-с.

Тиббий кўрик: қоғозбозликми ёки келажак авлод олдидаги масъулият?

7-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
14 ОКТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№83
(2411)

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Ҳудудлар ҳолати ўрганилди, устувор вазифалар белгиланди

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ишчи гуруҳи Жиззах вилояти маҳаллаларида ўрганишлар олиб борди.



Масъуллар дастлаб **Мирзачўл туманидаги “Янгидала” маҳалласида** бўлиб, “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишди. Учрашувда миграциядаги фуқаролар билан ишлаш, ишсиз аҳолини банд қилиш ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди.

Мутасаддилар мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳилола опа Деҳқонованинг хонадонида бўлди. Фуқарога бандлигини таъминлаш мақсадида тикув машинаси ажратилган ва айни кунларда ушбу хонадонда уйни таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Шунингдек, миграциядан қайтган Насиба Жўраеванинг тадбиркорлик фаолияти ҳам кўздан кечирилди. Ҳозирда у маҳалла кўмагида 50 миллион сўм кредит олиб, овқатланиш шохобчасини ташкил этган ва кунига 1 миллион сўмдан ортиқ даромад топмоқда.

Маҳаллалардаги ўрганишлар давомида **“Тошкент” маҳалласи** қабристонида ҳашар ташкил қилиниб, кўнгилли нуронийлар ва ёшлар билан ҳамжиҳатликда ҳудудда тозалаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Мутасаддилар **Шароф Рашидов туманидаги “Мустақилликнинг 35 йиллиги” маҳалласида** бўлиб, янги маҳалла биносида яратилган шароитлар билан танишди. Шунингдек, “маҳалла еттилиги” билан мулоқотда ҳудуддаги долзарб масалалар, аҳоли мурожаатлари ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди.

Ўрганишлар **Ғаллаорол туманидаги “Лалмикор” маҳалласида** давом этди. Аҳоли хонадонларига ташриф буюрилиб, фуқароларнинг яшаш шароитлари, даромад манбалари ва муаммолари ўрганилди. “Маҳалла еттилиги” кўмагида 100 миллион сўм кредит олиб, тикувчилик цехини ташкил этган Сафида Муртозаева фаолияти билан танишилди. Бугунги кунда тадбиркор уч нафар фуқарони иш билан таъминлаган.

Ўрганишлар давомида фуқароларнинг мурожаат ва таклифларини тинглаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, маҳалла фаолияти самарадорлигини ошириш ва аҳоли билан манзилли ишлаш юзасидан фикр алмашилди.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

ҲАР БИР РЕЖА ОРТИДА БИР ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ БОР



Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида Навоий вилояти маҳаллаларида амалга оширилган ишлар таҳлили бугун олдимизда турган вазифалар кўлами кенглигини, муайян натижаларга эришилаётганини ва айни пайтда ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳам етарли эканини кўрсатади.

АСОСИЙ МЕЗОН — БАНДЛИК ВА ДАРОМАД

Маҳалладаги ҳар бир оиланинг турмуш даражаси, аввало, унинг даромадига боғлиқ. Доимий иши ва барқарор даромади бор инсон оиласи келажагини режалаштиради, фарзандлари таълимига сармоя киритади, рўзғорини обод қилади.

Шу маънода меҳнат бозорига кириб келган **19 минг 353 нафар фуқаронинг 16 минг 218 нафари** турли соҳаларда банд қилинди. Бу, албатта, аҳоли бандлигини ошириш борасида муайян натижаларга эришилаётганидан далолат. Бироқ кейинги босқичда уларнинг қанчаси муносиб даромад топаётгани ва иш жойини сақлаб қолаётганини мунтазам таҳлил қилиш зарур.

Бу жараёнда маҳалла раисининг ўрни алоҳида. Чунки у қайси хонадонда меҳнатга лаёқатли ишсиз борлигини, кимнинг касб ўрганишга эҳтиёжи борлигини, қайси оилага тадбиркорлик орқали даромад манбаи яратиш мумкинлигини бошқалардан яхшироқ билади. Бироқ аниқ натижага эришиш учун раиснинг маҳаллий даражадаги имкониятлари бандлик органлари, тижорат банклари ва тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар имкониятлари билан уйғунлашиши лозим.

Давоми 2-саҳифада.

СЕМИНАР

БОШҚАРУВДА БИЛИМ, МАЛАКА ВА МАСЪУЛИЯТ ЗАРУР

“Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони ижроси доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъуллари жойларда “маҳалла еттилиги” аъзолари учун ўқув-семинарлар ташкил этмоқда.



Ана шундай семинарлардан бири **пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида** ўтказилиб, унда маҳалла тизими фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилди. Семинар давомида маҳалла тизимидаги ислоҳотлар, **“еттилик” аъзоларининг вазифа ва масъулияти,** аҳоли муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни ўз вақтида ҳал этиш тартиблари муҳокама қилинди.

Шунингдек, иштирокчиларнинг билим ва амалий кўникмаларини ошириш, давлат идоралари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, **илғор тажрибаларни оммалаштириш** юзасидан тушунтиришлар берилди. Бундай ўқув-семинарлари маҳаллаларда ишларни манзилли ташкил этиш, аҳоли мурожаатлари билан самарали ишлаш ва фуқаролар манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот учун, мазкур йўналишдаги семинарлар республиканинг барча ҳудудларида ташкил қилиниши режалаштирилган.

МОҲИЯТ



МАҲАЛЛА ТАРАҚҚИЁТИ — ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИКНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

“ЭНГ ЯХШИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ МАҲАЛЛА” МАҚОМИГА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “Энг яхши солиқ тўловчи маҳаллаларни аниқлаш мезонлари ва тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Низомга кўра, ҳар бир мезон бўйича рейтинг баллари белгиланиб, унинг йиғиндисидан келиб чиқиб, **маҳалланинг умумий рейтингги** шакллантирилади. **Унга асосан, ҳар 1 000 нафар аҳолига тўғри келадиган:**

• ***тадбиркорлик субъектлари*** *сони;*

• *тадбиркорлик субъектлари тўлаган* ***солиқлар миқдори;***

• ***даромад солиғи тўловчи*** *жисмоний шахслар сони;*

• ***ўзини ўзи банд қилган*** *шахслар ва уларнинг тўлаган солиқлари миқдори ҳисобга олинади.*

Шунингдек, маҳаллада **мол-мулк ва ер солиқларининг тўланганлик даражасига** эътибор қаратилади.

Ҳисобланган баллар ва рейтинг натижаларига кўра, **90 баллдан юқори** натижа қайд этган йиғинлар **энг яхши солиқ тўловчи маҳалла** деб топилади. Уларнинг ўрни ва тўплаб бораётган баллари билан **“Рақамли маҳалла”** платформасида танишиб бориш имконияти яратилади. Маҳаллалар фаолияти йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг январь ойида баҳоланади.

“Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” номинацияси ғолиблари қуйидагича рағбатлантирилади:

• *“Ташаббусли бюджет” доирасида* ***лойиҳа киритиш имкониятини чеклаш қоидаси қўлланмайди;***

• *шериклик асосида* ***лойиҳа қийматининг 25 фоизи қопланган тақдирда,*** *лойиҳа голиб деб топилади ҳамда қолган 75 фоизи Давлат бюджетидан молиялаштирилади;*

• *ҳар йили биринчи 100 таликка кирган энг яхши солиқ тўловчи маҳаллаларнинг* ***ҳар бирига 2 миллиард сўм миқдорида маблағ*** *ажратилади.*

Бу — маҳаллалар учун ўзига хос янги имконият демакдир. Хўш, унда самарали фойдаланишда “маҳалла еттилиги” қайси жиҳатларга эътибор қаратиши керак? Масъулият ва натижа уйғунлиги қандай таъминланади? Янги тартиб маҳалла инфратузилмасини яхшилашнинг яна бир ташаббусига айланадими?

Давоми 2-саҳифада.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ...

ҲАР БИР ТОНГ МАҲАЛЛАДА ШУНДАЙ ОТАДИ...


ЁХУД МУАММОНИНГ ИЛДИЗИГА ЕТМАЙ, НАТИЖАГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Маҳалла раиси учун энг осон иш — муаммолар рўйхатини тузиш. Энг қийин вазифа эса шу рўйхатдаги ҳар бир масаланинг ортида турган сабабни топиш ва уни бартараф этишдир.



Менимча, “маҳалла еттилиги” фаолиятидаги энг муҳим бурилиш шу нуқтадан бошланиши керак: муаммони қайд этишдан унинг илдизини аниқлашга, ёрдам кўрсатишдан барқарор натижа яратишга ўтиш. Чунки бир муаммонинг ечими иккинчисини ҳам бартараф этиши мумкин. Мисол учун, ишсизликдан қийналаётган оилада даромад пайдо бўлиши рўзғор ташвишларини камайтириб, оиладаги руҳий муҳитга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Давоми 2-саҳифада.



БУ ТУРФА ДУНЁ



НАРПАЙ ТУМАНИДАГИ “ТОРТУВЛИ” МАҲАЛЛАСИДА
“маҳалла еттилиги”нинг ҳисобот йиғилиши ўтказилди.



ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ “БОҒИШАМОЛ” МАҲАЛЛАСИДА
“еттилик” вакилларининг сайёр қабули бўлиб ўтди.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА
Криминология тадқиқот институтига бириктирилган 13 та маҳалланинг 9 таси “қизил” тоифадан чиқарилди.

МОҲИЯТ

Маҳалла тараққиёти — иқтисодий фаолликнинг ҳаётий ифодаси



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Фарангиз ОМОНОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

МАҲАЛЛАГА ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ХАРИТАСИ КЕРАК

Маҳалланинг иқтисодий ҳолатини ундаги савдо нуқталари, ишлаб чиқариш корхоналари ёки тадбиркорлар сони билангина баҳолаб бўлмайди. Бунинг учун яна бир муҳим жиҳатга — қанча инсон меҳнати орқали даромад топаётгани, нечта фаолият қонуний йўлга қўйилгани ва мавжуд иқтисодий имкониятлардан қай даражада фойдаланилаётганига ҳам эътибор қаратмоқ керак.

Бундай шароитда солиқ тўловчилар сонини кўпайтиришнинг энг тўғри йўли — одамларнинг даромад топиш имкониятларини кенгайтириш, фаолиятини қонуний йўлга қўйишга кўмаклашишдир. Албатта, ҳар қандай уй меҳнати ёки мавсумий машғулотни тўғридан-тўғри тадбиркорлик, деб баҳолаб бўлмайди. Фаолиятнинг хусусияти ва қонунчиликда белгиланган талаблар инобатга олиниши шарт.

Шу нуқтаи назардан, ҳар бир маҳаллада иқтисодий фаоллик харитасини шакллантиришни таклиф этиш мумкин. Унда мавжуд тадбиркорлик субъектлари, аҳоли бандлиги, ўзини ўзи банд қилганлар фаолияти, ривожлантириш мумкин бўлган хизмат турлари ва тадбиркорлар дуч келаётган асосий тўсиқлар умумлаштирилади.

Энг муҳими, бу харита қоғозда қолмаслиги лозим. У маҳаллада қайси иқтисодий имкониятдан фойдаланиш мумкинлиги ва бунинг учун қандай амалий чора зарурлигини кўрсатиши керак.

ҲАР ЧОРАКДА ҚИСҚА ТАҲЛИЛИЙ МУҲОКАМА ЎТКАЗИЛСА...

“Маҳалла еттилиги” фаолиятининг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг вакиллари аҳолининг турли эҳтиёжлари ва муаммолари билан ишлайди. Шу сабабли уларнинг ҳамкорлиги маҳалланинг иқтисодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун ҳам аҳамиятли. Бу ерда муҳим бир жиҳат бор: “еттилик” вакилларининг вазифалари бир-бирини такрорламаслиги, солиқ органининг ваколатлари билан аралашиб кетмаслиги керак.

Таклиф шуки, “еттилик” ҳар чоракда маҳалланинг иқтисодий ҳолати бўйича қисқа таҳлилий муҳокама ўтказсин. Унда ўтган даврдаги ўзгаришлар, янги иқтисодий ташаббуслар, ҳал этилмаган муаммолар ва кейинги чоракдаги вазифалар кўриб чиқилсин.

Мол-мулк ва ер солиғининг тўланганлик даражаси ҳам маҳалланинг умумий рейтингини шакллантиришда аҳамиятга эга. Бу жараёнда маҳалла раиси солиқ инспектори билан ҳамкорликда умумлаштирилган таҳлил ўтказиши, қарздорликнинг асосий сабабларини аниқлаши ва фуқароларга тегишли тушунтириш бериши самаралироқ йўл ҳисобланади. Агар масала солиқ органининг ваколатига кирса, уни белгиланган тартибда шу орган кўриб чиқиши лозим.

Маҳаллалар фаолияти йилда бир марта баҳоланиши, рейтингнинг ҳисобот йилидан кейинги йил январь ойида шакллантирилиши белгиланган. Бироқ бу ишни йил охирида жадаллаштириш мумкин, дегани эмас. Маҳалла йил бошида иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиб, чораклар кесимида вазифаларни белгилаши зарур. Биринчи чоракда мавжуд имкониятлар ва муаммолар аниқланса, кейинги даврларда тадбиркорликни ривожлантириш, қонуний фаолиятга кўмаклашиш ва аниқланган тўсиқларни бартараф этиш бўйича иш олиб борилади. Ҳар чоракда натижалар қайта кўриб чиқилиб, самара бермаётган чоралар ўзгартирилади.

ҒОЛИБЛИК — ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ВА МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР

“Энг яхши солиқ тўловчи маҳалла” номинациясидаги рағбат чоралари ҳам ушбу жараённинг аҳамиятини оширади. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш учун маблағ ажратилишини маҳалланинг аниқ муаммоларини ҳал этиш учун қўшимча моддий манба, деб қараш керак.

Яна бир муҳим жиҳат: юқори балл олишга интилиш одамларнинг зиммасига сунъий мажбурият юклашга, фаолиятни асоссиз расмийлаштиришга ёки натижаларни қоғозда яхшилашга олиб келмаслиги лозим. Рейтингнинг мазмуни иқтисодий ҳаётни рағбатлантиришда намоён бўлади. Унинг ҳақиқий самараси эса маҳаллада янги имкониятлар пайдо бўлиши, қонуний меҳнат ва тадбиркорлик ривожланиши ҳамда фуқароларнинг солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариш маданияти мустаҳкамланишида кўринади.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ...

Ҳар бир тонг маҳаллада шундай отади...

ЁХУД МУАММОНИНГ ИЛДИЗИГА ЕТМАЙ, НАТИЖАГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Иброҳим РАСУЛОВ,
Яшнобод туманидаги “Тонг” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда 4 311 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида ишсизлар сони 9 нафарни, меҳнат миграциясидагилар 65 нафарни ташкил этади. Ишсизлик даражаси 0,8 фоиз, камбағаллик даражаси 1,17 фоиз. Ижтимоий реестрда 23 та оила, оғир тоифадаги фуқаролар орасида 5 нафар инсон бор. “Ёшлар дафтари”га киритилган бир нафар ёш билан ҳам манзилли иш олиб боришимиз зарур. Бу рақамларнинг ўзиёқ вазифаларни белгилаш учун асос беради.

Маҳалламиздаги 9 нафар ишсиз фуқарони олсак, кимдир муайян касбга эга, лекин ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаётгандир. Бошқа бирига иш жойига қатнов, малака етишмаслиги ёки оилавий шароит тўсқинлик қилаётгандир. Сабаблар турлича бўлса, ечим ҳам турлича бўлиши шарт. Шу нуқтаи назардан, “еттилик” фаолиятида “бир фуқаро — бир индивидуал ечим” тамойилини қўллашни мақсадга мувофиқ, деб биламан.

Мен таклиф қиладиган амалий мезон шундай: ҳар бир ишсиз фуқаро бўйича унинг бандлик ҳолати, ишга жойлашишга тўсқинлик қилаётган сабаб ва белгиланган ечим қайд этилади. Бир ойдан кейин натижа кўриб чиқилади. Ишга кирган бўлса, бандлиги сақланаётгани ўрганилади; иш топилмаган бўлса, аввалги чоранинг самара бермаган сабаби аниқланади. Бу ёндашув “еттилик”ни бажарилган ишлар сонидан кўра, муаммони ҳал этиш сифати ҳақида ўйлашга ундайди.

Худди шундай, Ижтимоий реестрдаги 23 та оила билан ишлашда бир-биридан фарқ қилувчи эҳтиёжларни ажратиб олиш муҳим. **Тажрибамизда ҳар бир оила билан ишлашда учта масалани аниқ белгилаб олганмиз:** ҳозирги энг оғир муаммо нима, уни енгиллаштириш учун оиланинг қандай имконияти бор ва маҳалла қайси тўсиқни бартараф этиб бера олади? Ана шу таҳлилдан кейин кўрсатиладиган ёрдам аниқ мақсадга йўналтирилади.

Маҳалламиздаги 65 нафар мигрантнинг меҳнати шунча хонадон учун муҳим даромад манбаи саналади. Айни пайтда узоқ муддат айри яшаш фарзанд тарбияси, эр-хотин муносабатлари ва оиладаги масъулият тақсимотига таъсир кўрсатиши эҳтимоли бор. Бундан барча мигрантлар оиласида муаммо бор, деган хулосага келмаслик керак. Аксинча, вазифа — эҳтиёж мавжуд бўлган хонадонларни аниқлаш ва уларга зарур ёрдамни ўз вақтида таклиф қилиш.

Бу ерда маҳалланинг вазифаси оиланинг шахсий ҳаётини назорат қилиш бўлмайди. Муаммо юзага келганда мурожаат қилиш мумкин бўлган ишончли муҳитни яратиш ва зарур кўмакка йўл очишдир. Бундай иш услуби аҳоли билан ишончли муносабат ўрнатишга ҳам хизмат қилади.

Оилавий ажралишлар масаласида маҳалла фаолиятининг энг заиф нуқтаси — муаммони фақат кескинлашганидан кейин муҳокама қилиш саналади. Менимча, маҳаллада оилавий барқарорлик бўйича энг амалий ташаббуслардан бири — “Оилага ҳамроҳлик” усулини йўлга қўйишдир. Унинг мазмуни оддий: оила муаммоси аниқланганида масъуллар бир марта суҳбат ўтказиб, ишни якунланган, деб ҳисобламайди. Оиланинг розилиги билан келишилган чоралар амалга оширилганидан кейин маълум муддат ўтиб, вазият қайта баҳоланади. Зарур бўлса, қўшимча ёрдам таклиф қилинади. Бу ишда маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ва ижтимоий ходимнинг вазифалари бир-бирини тўлдириши керак.

Яна бир муҳим таклиф — **ёш оилаларга никоҳдан кейинги дастлабки йилларда амалий кўмак бериш.** Оила бюджети, ўзаро масъулият, қариндошлар билан муносабатлар, фарзанд тарбияси ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш мавзуларида мутахассислар иштирокида ихтиёрий учрашувлар ташкил этиш мумкин. Бу тадбирлар қуруқ маъруза шаклида бўлмай, ҳаётий вазиятлар таҳлили ва амалий маслаҳатларга асосланса, фойдаси ортади.

*Юқоридагилардан келиб чиқиб, **маҳалла раисининг масъулиятини, энг аввало, муаммони эшитиш, унинг асл сабабини тушуниш ва ечим топилгунига қадар жараённи мувофиқлаштиришда кўраман.** “Еттилик”нинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини пухта бажариб, умумий натижа учун ҳамкорлик қилгандагина бу ёндашув самара беради.*

Зеро, тонг маҳаллада отади. Бу шунчаки куннинг бошланиши эмас, инсон ҳаётидаги янги умидлар, ўзгаришлар ва имкониятларга йўл очиш масъулияти ҳамдир. Муаммонинг илдизига етиш, унинг такрорланишига йўл қўймаслик ва инсонга ўз имкониятларини ишга солишда ёрдам бериш — маҳалла ишининг энг муҳим мезонидир. Ана шунда маҳаллада тонг отиши ҳар бир хонадонга янгиланиш ва ишонч олиб киради.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

Ҳар бир режа ортида бир ҳаётий эҳтиёж бор



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Лочин ОБЛАҚУЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи.

Вилоятда 310 та маҳалла кесимида микролойиҳалар шакллантириш ишлари олиб бориляпти. Маҳалла банкирларига 2 минг 704 та микролойиҳа рўйхати тақдим этилган. Айниқса, бу жараёнда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишга эътибор қаратиляпти. Шу асосда вилоятда 241 та маҳалла иссиқхона, боғдорчилик, чорвачилик, каштачилик ва туризм каби йўналишларга ихтисослаштирилган.

Бу — ҳудудларда тайёр имкониятлар борлигини кўрсатади. Энди асосий вазифа шу ихтисослашувни қоғоздаги режадан аҳоли учун ҳақиқий даромад манбаига айлантиришдир. Масалан, чорвачиликка ихтисослашган маҳаллада фақат чорва сонини кўпайтириш эмас, озуқа базасини яратиш, маҳсулотни қайта ишлаш, бозорга етказиб бериш занжирини шакллантириш муҳим.

ОБОДЛИК — НАТИЖА, УНИ САҚЛАШ ЭСА УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТ

Вилоят маҳаллаларида ички йўлларни шағаллаштириш бўйича 12 километрлик иш тўлиқ бажарилган. Саломатлик йўлакларини ташкил этиш бўйича белгиланган 45 километр режага нисбатан 21,1 километр йўлак барпо этилган. Маҳаллаларни ёритиш учун режалаштирилган 4 минг 500 та чироқдан 3 минг 307 таси ўрнатилган. Болалар майдончаларини барпо этишда эса 36 та режага нисбатан 14 та майдонча ташкил этилган.

Ушбу рақамлар икки муҳим хулосани беради. Биринчидан, айрим йўналишларда режалар тўлиқ бажарилган бўлса, иккинчидан, бир қатор вазифаларни йил якунига қадар жадаллаштириш зарур. Айниқса, саломатлик йўлаклари ва болалар майдончалари каби аҳолининг кундалик ҳаётига бевосита таъсир қилувчи лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида вилоятдаги 58 минг 889 та хонадонда таъмирлаш ва тозалаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, 489 та қабристон тартибга келтирилди, 1 минг 12 та симёғоч бетон устунларга алмаштирилди. Ички йўлларнинг 71 километри асфальтланди.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”: ИМКОНИЯТЛАР ҲАМ, МАСЪУЛИЯТ ҲАМ КАТТА

Бугун “маҳалла еттилиги” олдида иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ташкилий вазифалар мужассам. Шу сабабли “еттилик” аъзоларининг ҳамкорлиги ва ҳар бирининг ўз вазифасини масъулият билан бажариши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ҳозирда вилоятда 310 та маҳалла мавжуд бўлиб, улардан 3 тасида раис лавозими вакант экани кўрсатилган. Ҳоким ёрдамчилари бўйича 5 та, ёшлар етакчилари бўйича 9 та, ижтимоий ходимлар бўйича 3 та, солиқ инспекторлари бўйича 1 та бўш лавозим қайд этилган. Хотин-қизлар фаоллари штати 201 нафарни ташкил этиб, улар 310 та маҳаллага хизмат кўрсатмоқда.

Бу маълумотлар кадрлар билан таъминлаш ва иш юкламасини тўғри ташкил этиш масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатади. Айниқса, бир ходим бир нечта маҳаллага хизмат кўрсатадиган шароитда унинг вазифаларини аниқ белгилаш, ишни манзилли ташкил этиш ва натижадорликни таъминлаш муҳим.

Маҳалла раиси эса аҳоли билан давлат ўртасидаги энг яқин бўғин сифатида муаммоларни аниқловчи, ҳамкорликни ташкил этувчи ва амалий натижа учун ташаббус кўрсатувчи раҳбар бўлиши керак. Бунинг учун унга вазифалар билан бир қаторда етарли ваколат, ишлаш имконияти ва масъул идораларнинг ўз вақтидаги кўмаги ҳам зарур.

ҲИСОБОТДАН НАТИЖАГА: ОЛДИНДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР

Йил якунига қадар, энг аввало, микролойиҳаларни амалга ошириш ва улар орқали барқарор иш ўринларини яратишга эътиборни кучайтирамиз. Ҳар бир маҳалладаги ишсизлик ва камбағаллик сабаблари алоҳида ўрганилиб, оилаларнинг имкониятига мос ечимлар таклиф этилади. Инфратузилма лойиҳаларида бажарилмаган ишлар бўйича аниқ манзилли режалар ишлаб чиқилиб, муддат ва масъуллар белгиланади.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятида ҳамкорликни кучайтириш, кадрлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ва ходимлар зиммасидаги иш юкламасини самарали ташкил қилиш талаб этилади. Энг муҳими, ҳар бир вазифа бўйича “қандай иш қилинди?”, деган савол билан чекланмасдан, “бу иш одамлар ҳаётида қандай ўзгариш ясади?”, деган саволга ҳам аниқ жавоб бўлиши керак. Маҳалла ислоҳотларининг ҳақиқий мазмуни ҳам шунда аслида.



Шуманай туманидаги “МЎНЧОҚЛИ”, “ТОЗАБОЗОР”, “НАВРЎЗ” ВА “МАДАНИЯТ” маҳаллаларида яшовчи ишсиз хотин-қизлар учун 15 кунлик ўқув курси ташкил этилди.



Сурхондарёда 7 МИНГДАН ОРТИҚ БЎШ ИШ ЎРНИ таклиф этилган меҳнат ярмаркасида 1 000 киши ишга жойлаштирилди.



Фарғона шаҳридаги “Истиқлол” ўйингоҳи ҳудудида “ТАЛАБА-ЮГУР” ОММАВИЙ ЮГУРИШ МУСОБАҚАСИ ташкил этилди.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Бир қарашда оддий, ҳатто арзимас туюлган иш ҳам изланиш, меҳнат ва уддабуронлик билан яхшигина даромад манбаига айланиши мумкин. Бунинг учун, аввало, бошқалар эътибор бермаган имкониятни кўра билиш керак.

ДАСТЛАБ БУГУНГИДЕК НАТИЖАЛАР БЎЛМАГАН ЭДИ...

Ёқуббой ЁҚУБОВ,
Хонқа туманидаги “Нурафшон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Ёшлар етакчиси сифатида маҳалламиздаги ҳар бир йигит-қизнинг қизиқиши, интилиши ва бошлаган ишига алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қиламан. Шундай ёшлардан бири Шавкатбек Дониёров бундан беш йил аввал кўпчилик учун ноодатий туюлган биогумус ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаган эди.

Албатта, дастлаб ҳаммаси бугунгидек кенг кўламда бўлмаган. Кичик майдонда иш бошлаган ёш тадбиркор чувалчангларни кўпайтириш, уларнинг яшаши учун қулай муҳит яратиш, тайёр маҳсулотни ажратиб олиш ва харидор топишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганади. Бу жараёнда сабр ва эътибор энг муҳим омил бўлади. Чунки чувалчанг боқиш мураккаб технологияни талаб қилмаса-да, парвариш қоидаларига риоя қилинмаса, кутилган натижага эришиш қийин.



Бугун унинг хўжалигида, асосан, Калифорния қизил чувалчангларидан фойдаланилади. Бу тур органик моддаларни қайта ишлашга мослашгани ва қулай шароитда тез кўпайиши билан ажралиб туради. Уларни боқиш учун катта бино ёки қимматбаҳо ускуналар шарт эмас. Махсус тайёрланган идишлар ёки ҳовлида ажратилган майдоннинг ўзи ҳам етарли бўлиши мумкин.

Ёш тадбиркор фаолиятида чувалчангларни парваришлаш ва улар учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг учун аввалдан етилтирилган чорва гўнги, ўсимлик қолдиқлари, хазон ва сомон каби органик маҳсулотлардан фойдаланади. Чувалчанглар яхши ривожланиши учун намлик ва ҳарорат ҳам мунтазам назорат қилинади. Айниқса, ёзда ортиқча иссиқдан, қишда эса совуқдан ҳимоялаш муҳим. Ана шу жараёнларни пухта ўзлаштирган йигит йиллар давомида орттирган тажрибаси орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришди.

Бугун беш йил аввал кичик тажриба сифатида бошланган фаолият ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда ёш тадбиркор йилига 200 тоннадан ортиқ биогумус ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган ушбу табиий ўғитга деҳқонлар, боғбонлар ва иссиқхона эгаларида талаб мавжуд. Қолаверса, тадбиркор кўпайтирилган чувалчангларни сотиш орқали қўшимча даромад олиш имкониятига эга. Масалан, 200 тонна маҳсулотдан йиллик тушум 200 миллион сўмга етиши мумкин. Албатта, соф фойда ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларга боғлиқ.

Ёшлар етакчиси сифатида мени қувонтирадиган жиҳати, бу йигитнинг тажрибаси катта маблағ ёки кенг ер майдонисиз ҳам билим, изланиш ва меҳнат орқали ўз ишини йўлга қўйиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шу боис бу фаолиятга қизиқиш билдирган бошқа ёшларни ҳам унинг тажрибаси билан таништириш, уларга ўз тадбиркорлигини бошлашда кўмаклашишни мақсад қилганмиз.

Зеро, баъзан катта имкониятлар биз эътибор бермайдиган оддий нарсалар ортида яширин бўлади. Муҳими, уларни кўра билиш ва унумли фойдаланишдир. Маҳалламиздаги ёш тадбиркорнинг бугунги ютуғи ҳам изланишдан тўхтамаган, ўз мақсади сари қатъият билан интилган инсон кичик ишдан ҳам катта натижага эришиши мумкинлигининг ҳаётий исботидир.

ИНСОН ҚАДРИ

ИШОНЧ БИР ИНСОН ҲАЁТИНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРАДИ

Ўз иш жойига ва ҳунарига эга бўлиш инсоннинг нафақат даромад манбаи, балки жамиятда ўрнини топиши, қобилиятини намоён этиши ва мустақил ҳаёт кечириши муҳим. Шу боис ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат бозорига жалб этишда фақат иш изловчини қўллаб-қувватлашнинг ўзи етарли эмас. Бу жараёнда иш берувчилар учун ҳам рағбат ва имкониятлар яратилиши лозим.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА,
журналист.

Хўш, имконияти чекланган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлар учун қандай ёрдам турлари ва имтиёзлар мавжуд?

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, ногиронлиги бўлган шахсни ишга қабул қилган тадбиркорга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдорида субсидия ажратилади. Бу тартиб иш берувчи учун қўшимча рағбат бўлиши билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг доимий иш ўринларига эга бўлишига хизмат қилади. Яъни, меҳнат бозорида имкониятлар тенглигини таъминлаш фақат ижтимоий вазифа эмас, балки тадбиркорни ҳам қўллаб-қувватлайдиган тизимга айланмоқда.

Қўллаб-қувватлаш фақат ишга қабул қилиш билан чекланмайди. Ногиронлиги бўлган шахснинг иш жойида самарали фаолият юритиши учун зарур хизматларни ташкил этишда ҳам тадбиркорларга субсидия ажратилади. Жумладан, сурдотаржимон хизмати учун БҲМнинг 8 бараваригача, психолог хизмати учун БҲМнинг 10 бараваригача ҳамда ҳамроҳлик хизмати учун БҲМнинг 5 бараваригача миқдорида субсидия берилади.

Бу ерда масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор. Ногиронлиги бўлган шахсни ишга қабул қилишнинг ўзи унинг меҳнат жараёнида тўлиқ иштирок этишини кафолатламайди. Айрим ҳолларда ходимга мулоқот қилиш, психологик мослашиш ёки иш жойига бориш-келишда қўшимча кўмак зарур бўлиши мумкин. Шунинг учун субсидиялар тизими ишга қабул қилишдан тортиб, ходимнинг меҳнат фаолиятини давом эттиришигача бўлган жараённи қамраб олишга қаратилган.



Меҳнат бозорида имкониятлар тенглиги айнан шундай ёндашувдан бошланади. Иш берувчи учун зарур шароит яратилса, ногиронлиги бўлган шахс учун эса муносиб иш ўрни ва зарур кўмак таъминланса, ижтимоий ҳимоя билан бандлик ўртасидаги узвий боғлиқлик янада мустаҳкамланади.

Энг муҳими, ногиронлиги бўлган шахс меҳнат бозорида фақат ёрдам олувчи эмас, балки ўз меҳнати, билими ва салоҳияти билан иқтисодий жараёнда иштирок этувчи фаол инсон сифатида намоён бўлиши учун имконият кенгаяди.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

БАЪЗИ ХОНАДОНЛАР ШОДЛИГИ ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНИЯТИДА

Мазкур маҳаллада иш бошлаганимда энг катта қийинчилик ҳар бир хонадоннинг ҳолати, эҳтиёжи ва имкониятларини қисқа вақт ичида ўрганиш бўлди. Чунки ҳар бир оиланинг муаммоси ва шароити турлича. Шунинг учун идорада ўтириб эмас, балки аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, хонадонларга кириб бориш, уларнинг фикрини эшитиш орқали иш бошладим.

Дилбар ЙЎЛЧИЕВА,
Гулистон шаҳридаги “Шодлик” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Дастлаб кўчама-кўча юриб, ишсиз фуқароларнинг касби, тажрибаси, қизиқиши ва имкониятларини ўргандик. Кимдадир тадбиркорликка қобилият бор, кимдадир касб ўрганиш эҳтиёжи мавжуд – шу асосда уларни тегишли йўналишларга йўналтирдик. Айрим фуқароларда тадбиркорликни бошлаш учун етарли тажриба ва хоҳиш бор, аммо молиявий кўмак ёки маслаҳатга эҳтиёж сезилди. Шу асосида ишсиз фуқаролар ишга жойлаштириляпти, даромадсиз уйда ўтирган хотин-қизлар касб-ҳунарга ўқитилиб, тадбиркорликка иштиёқи борларига имтиёзли кредит, субсидиялар ажратилиб, даромадли қилинаяпти.

Бу жараёнда Ижтимоий реестрда турган хотин-қизлар тикувчилик ва қандолатчилик соҳасида етакчилик қиляпти. Узоқ йиллар фарзанд тарбияси билан бўлиб, даромадсиз қолган Сарвиноз Бозорбоева бугун етакчи тадбиркор тикувчилардан бири. У 10 миллион сўм имтиёзли кредитга тикув машинаси ва бошқа зарур ускуналар харид қилиб, ўз хонадонида тикувчиликни бошлаган эди. Ҳозир у буюртмалардан ташқари, ўзи ҳам турли хил кийимлар тикиб, савдо дўконларига етказиб беряпти.

Биз учун энг муҳим жиҳат – фуқаронинг муаммосини вақтинчалик ҳал қилиш эмас, балки унга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашишдир. Ижтимоий реестрда турган Феруза Деҳқонова ҳам ҳеч қандай даромадга эга эмасди. Унинг қандолатчилик соҳасига бўлган қизиқишини ўрганиб, 15 миллион сўм имтиёзли кредит ажратдик. Бугун маҳалладаги дўконларда сотилаётган ширинликларнинг аксарияти Ферузага тегишли.



Мурод Маллаев ҳам қўли гул уста бўлса-да, узоқ йиллар ўз йўлини тополмади. “Еттилик”нинг тавсияси ва қўллови билан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, ўзининг кичик – темирчилик устахонасини ташкил этди. Ҳозирда у нафақат маҳаллада, балки Гулистон шаҳрида машҳур уста-темирчи. Мижозлари талайгина, маҳсулотлари харидоргир.

Мулоқотлар жараёнида фуқаролар кўпроқ бандлик масаласи, тадбиркорликни бошлаш учун молиявий кўмак, кредит олиш, касбга ўқиш, ижтимоий ёрдам ва турли маиший масалалар бўйича мурожаат қилишади. Шу боис тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга бизнес ғоясини шакллантиришдан тортиб, лойиҳасини тайёрлаш, имтиёзли кредит ва субсидиялардан фойдаланиш бўйича амалий ёрдам кўрсатяпмиз. Натижада одамларнинг бизга бўлган ишончи ортди. Ҳоким ёрдамчиси учун энг муҳим омил – одамларни эшитиш, улар билан доимий мулоқотда бўлиш ва ҳар бир масалага манзилли ёндашишдир. Ана шу тамойил ишимиз самарадорлигини таъминлайди.

Хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар билан ҳам алоҳида иш олиб боряпмиз. Улар билан мулоқотлар ўтказиб, ўз юртида ҳам муносиб даромад топиш имкониятлари, тадбиркорлик дастурлари, имтиёзли кредитлар ва бошқа қўллаб-қувватлаш тизимлари ҳақида хабардор этяпмиз.

Ягона мақсадимиз – “Шодлик” маҳалласини аҳолиси фаол, тадбиркорлиги ривожланган, ҳар бир хонадонда барқарор даромад манбаи мавжуд бўлган, яшаш учун янада қулай ва обод маҳалла сифатида кўриш. Шу мақсад йўлида “еттилик” билан ҳамжиҳатликда ҳаракат қиляпмиз.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

ҚУЛАЙЛИК

Ҳукумат қарори билан “Лимончиликка ихтисослашган маҳаллаларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

ЛИМОНЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН МАҲАЛЛАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯХШИЛАНАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида **лимон етиштирувчи хонадонлар сонини икки бараварга кўпайтирган** лимончиликка ихтисослашган маҳаллаларда ичимлик сув, ички йўллар, электр энергияси таъминоти бўйича қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилади. Бу жараёнда маҳаллаларнинг ихтисослашуви хонадонлар сонидан келиб чиқиб, қуйидаги нисбатда аниқланади:

- *1 000 та хонадонгача бўлган маҳаллада **лимон етиштирувчи хонадонлар сони камида 20 фоизни**;*
- *1 000-2 000 та хонадонгача бўлган маҳаллада **лимон етиштирувчи хонадонлар сони камида 15 фоизни**;*
- *2 000 ва ундан кўп хонадонли маҳаллада **лимон етиштирувчи хонадонлар сони камида 10 фоизни ташкил этиши керак**.*



Лимон етиштирувчи маҳаллалар хатловдан ўтказилади ва уларнинг ҳисоби “Онлайн маҳалла” платформасида юритилади. Жараёнда туман ҳокимлигида тузиладиган ишчи гуруҳи бундай тоифадаги маҳаллаларда хонадон томорқасининг рўйхатдан ўтказилгани, ҳар бир хонадонда лимон етиштириш майдони камида 0,01 гектарни ташкил этиши, бу майдонга тўғри келадиган каўчатлар сони камида 8 тани ташкил этишини ўрганади.

Шу асосда лимончиликка ихтисослашган маҳаллалар хатлов натижаларига кўра, **“Онлайн маҳалла” платформасида инсон омилиси** тўғридан-тўғри аниқланади. Сўнгра мазкур маҳаллаларда амалга ошириладиган ишлар лойиҳаси паспорти ишлаб чиқилади. Зарур тасдиқлаш босқичларидан ўтгач, маҳаллаларда инфратузилмани яхшилашга маблағ ажратилади.

Элмурод ОРИПОВ.
Наманган вилояти:

— Яқинда 30 ёшга тўламан. Тадбиркорлик билан шуғулланаман ва бир қатор ютуқларга эришганман. “Мард ўғлон” давлат мукофотига ҳужжат топширмоқчи эдим, бироқ менга ёшим сабабли ҳужжат топшира олмаслигимни айтишди. Бу қанчалик тўғри?

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

“МАРД ЎҒЛОН” МУКОФОТИГА ЁШИМ ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМАЙДИМИ?”

Абдулазиз МЎМИНОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари:

— Сизнинг ҳолатингизда, агар ҳужжат топшириш вақтида ҳали 30 ёшга тўлмаган бўлсангиз, фақат ёшингиз сабабли “Мард ўғлон” давлат мукофотига талабгор бўлишингизга тўсқинлик қилувчи асос йўқ. “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришган иқтидорли, ташаббускор ва ишбилармон йигитлар мазкур мукофотга номзод бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти ҳам ишлаб чиқариш ва ишбилармонлик йўналишлари доирасида эътиборга олинади. Бироқ якуний саралашда номзоднинг ютуқлари, фаолияти ва эришган амалий натижалари белгиланган тартибда баҳоланади. Шу боис кейинги танлов эълон қилинган вақтда ҳам сизнинг ёшингиз 30 ёшдан ошмаган бўлиши муҳим. Ҳужжат топшириш муддатларини олдиндан кузатиб боришингиз тавсия этилади.



Жорий йил 9 ой давомида “АЁЛЛАР ДАФТАРИ” ОРҚАЛИ 1 миллион 3 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизга манзилли ёрдам кўрсатилди.



2027 йилдан Ижтимоий реестрга кирган оила фарзандларининг давлат ва хусусий боғча бадали ХАРАЖАТИ ВАУЧЕР ОРҚАЛИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ.



Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида “ОИЛА — ЭЗГУЛИК, МЕҲР ВА ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ” мавзусида тадбир ташкил қилинди.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Синовлар синдирмаган ирода

Ромитан туманидаги “Ғазберон” маҳалласида истиқомат қилувчи Шокир Мавлонов анча йиллар аввал икки қўлидан айрилган. Бу ҳолат унинг кундалик ҳаётида ва оиласини молиявий таъминлашда қатор қийинчиликларни юзага келтирган.

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

Ижтимоий ходим фуқаронинг эҳтиёжини ўрганиб, унга қўл протези олиб берди. Мазкур восита Шокир аканинг кундалик ҳаётида мустақил ҳаракат қилиши ва имкониятларидан фойдаланишига кўмак бермоқда.

Оиладаги икки фарзанднинг келажаги ҳам эътибордан четда қолмади. Қизининг олий таълим муассасасидаги шартнома тўлови реферал хизмат асосида ёшлар етакчиси кўмагида тўлаб берилди. Ўғлининг эса ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ўқиш харажатлари қопланди. Шу билан бирга, оилага моддий ёрдам кўрсатилди ва хонадон Ижтимоий реестрга киритилди.

Оилани даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида ссуда асосида қорамол берилди. Бу эса хонадоннинг келгусида ўз даромадини шакллантириши ва рўзғор фаровонлигини оширишига хизмат қиладиган амалий имкониятдир.

Бугун ижтимоий хизматнинг мазмуни фақат бир марталик ёрдам кўрсатиш билангина чекланмаяпти. Асосий мақсад — инсоннинг мавжуд имкониятларини рўёбга чиқариш, фарзандларининг таълим олиши ва касб-ҳунар эгаллашига шароит яратиш, оилани барқарор даромад манбаи билан таъминлашдир.

Шокир Мавлонов оиласи мисолида ҳам кўриш мумкинки, манзилли ва индивидуал ёндашув асосида кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар бир оиланинг бугунги муаммосини ҳал этиш билан бирга, унинг эртанги кунига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Одамлар дарди қоғозда эмас, кўзларида акс этади

Фаолиятимдаги энг муҳим вазифа — ёрдамга муҳтож инсонларни аниқлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва имкониятимиздан келиб чиқиб, ечим топишга кўмаклашиш. Чунки ҳар бир хонадонда алоҳида тақдир, ҳар бир мурожаат замирида эса эътибор ва ёрдамга эҳтиёж бор.



Чарос РАҲМАТЖОНОВА,
Бекобод шаҳридаги “Самарқанд” маҳалласи ижтимоий ходими.

Шу боис ишимни фақат ҳужжатлар билан эмас, аввало, инсонларнинг дардини тинглашдан бошлайман.

Бугун маҳалламизда 960 та оила, 909 та хонадон мавжуд. Ҳудудимизда ногиронлиги бўлган 65 нафар фуқаро рўйхатга олинган. Уларнинг ҳар бири билан ишлашда индивидуал ёндашувга амал қилишга ҳаракат қиламиз.

“Хонадонбай” ўрганишлар давомида Гулнор Кенжеванинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги аниқланди. Унинг ҳолатини ўрганиб, зарур ёрдамни ташкил этиш мақсадида алоҳида кейс очдик ва хизматлар режасини белгиладик.

Фуқарони ёлғиз яшовчи кексалар рўйхатига киритиш бўйича аризаси расмийлаштирилди. Ҳолати Лоутон-Бартел шкаласи асосида баҳоланиб, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасидаги аризаси тасдиқланди. Унга ассистент бириктирилиб, хизмат кўрсатиш шу куннинг ўзида бошланди.

Менимча, ижтимоий ходимнинг вазифаси муаммони аниқлаш билан чекланмайди. Муҳими, инсон зарур ёрдамни ўз вақтида олиши, ўзини ёлғиз ва эътибордан четда қолгандай ҳис этмаслигидир.

Фаолиятим давомида мени ўйлантирган ҳолатлардан бири Нодира Набиеванинг оиласи билан боғлиқ. У боқувчисини йўқотган, икки нафар вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган аёл. Илгари ободонлаштириш соҳасида ишчи бўлиб меҳнат қилган.

Афсуски, кутилмаган ҳодиса унинг ҳаётини қийинлаштирди. Йиқилиш оқибатида чап тиззасининг учта боғлами узилиб, ҳаракатланиши чекланди. Натижада у вақтинча ишлай олмай қолди ва оиланинг ягона даромад манбаи тўхтади.

Бундай вазиятда оилага бир марталик ёрдам кўрсатишнинг ўзи етарли эмас эди. Шунинг учун Нодиранинг ҳолатини ҳар томонлама ўрганиб, муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишга киришдик. Кейс очилиб, фуқаро 20 турдаги ижтимоий хизмат билан қамраб олинди.

Нодирага болалар нафақаси тайинланди, “Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак билан ёрдам кўрсатилди. Тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилиб, тегишли ордер асосида Тошкент тиббиёт институтида жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Шунингдек, оилага газ ва электр энергияси учун компенсация тўловлари берилмоқда. Қизининг шартнома тўлови билан боғлиқ мурожаати тегишли тартибда йўналтирилди, ҳуқуқий масалалар бўйича юрист хизмати ҳам ташкил этилди.

Бу оила мисолида бир ҳақиқатни англадим: инсоннинг муаммолари кўпинча бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Соғлиғи ёмонлашса, ишлаш имконияти чекланади. Даромад камайса, фарзандлар таълими ва кундалик эҳтиёжларни таъминлаш қийинлашади. Шунинг учун ижтимоий ёрдам ҳам барча жиҳатларни қамраб олиши керак.

Маҳалламизда эҳтиёжманд фуқароларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг бандлигини таъминлашга ҳам эътибор қаратяпмиз. Йил давомида ногиронлиги бўлган икки нафар фуқаронинг норасмий ишга жойлаштирдик.

Мен учун ҳар бир ижобий натижа муҳим. Чунки инсоннинг меҳнати билан даромад топиши, оиласи эҳтиёжларини қондириши ва жамиятда ўз ўрнини ҳис қилиши унинг ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Албатта, ҳар бир муаммони бир кунда ҳал этишнинг имкони бўлмаслиги мумкин. Аммо мурожаатни эътиборсиз қолдирмаслик, инсонга тушунтириш бериш, зарур ташкилотларга йўналтириш ва натижасини кузатиб бориш — бизнинг вазифамиз.

Ижтимоий ходим сифатида шуни яхши тушунаманки, одамлар дардини қоғозда эмас, уларнинг кўзида кўрасиз. Баъзан инсонга моддий ёрдамдан ташқари, уни тинглайдиган, ҳолатини тушунадиган ва қийинчиликни енгишда ёнида турадиган киши ҳам керак.

Шу боис ҳар бир хонадонга кирганимда, аввало, инсоннинг эҳтиёжини тушунишга, унинг имкониятларини аниқлашга ҳаракат қиламан. Зеро, ижтимоий ҳимоянинг асл мақсади фақат муаммони бартараф этиш эмас, балки инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши, жамиятда фаол бўлиши ва келажакка ишонч билан қараши учун шароит яратишдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ЎЗАРО ҲУРМАТ, САБР-ТОҚАТ ВА МАСЪУЛИЯТ НАТИЖАСИ

Маҳаллада хотин-қизлар фаоли сифатида фаолият бошлаганимда ажрашиш ёқасига келиб қолган бешта оила бор эди. Улар билан олиб борилган суҳбат, нуронийлар маслаҳати ва мутахассислар кўмаги натижасида учта эр-хотинни яраштиришга эришдик. Ҳозирда яна иккитаси билан манзилли иш олиб боряпмиз.



Шоҳсанам ХЎЖАНОВА
Пахтачи туманидаги “Шамсназар” ва “Чорғўша” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Таҳлилларга эътибор берсак, келишмовчилик сабаблари турлича. Баъзан учинчи шахснинг аралашуви, ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги, фарзанд тарбиясидаги тажрибасизлик ёки ўзаро муомала маданияти қоидаларини билмаслик вазиятнинг жиддий тус олишига туртки бўлади. Айрим қизлар оила қуриш масъулиятини тўлиқ англаб етмасдан янги турмушга қадам қўяди. Кейин эса рўзғор ташвишлари, фарзанд тарбияси ва қариндошлар билан муносабатларда қийинчиликларга дуч келади.

Шундай вазиятларда эр-хотин билан алоҳида ва биргаликда гаплашамиз. Зарур ҳолларда нуронийлар, психологлар ва бошқа мутахассисларни жалб қиламиз. Асосий мақсадимиз кимнидир айблаш эмас, балки келишмовчилик сабабларини аниқлаш, томонларни бир-бирини тушунишга чақириш ва оилани сақлаб қолишга кўмаклашишдир.

Назаримда, оила мустаҳкамлиги фақат эр ёки хотиннинг ҳаракатига боғлиқ эмас. Бу — икки тарафнинг ўзаро ҳурмати, сабр-тоқати ва масъулияти натижаси. Қайнона-келин муносабатларида ҳам меҳр, ҳурмат ва оқилона ёндашув муҳим. Бироқ ҳар қандай келишмовчиликда фақат бир томонни айблаш тўғри эмас. Ҳар бир оиланинг шароити, қарашлари ва муаммоларини алоҳида ўрганиш талаб этилади.

Оилавий муҳитнинг болалар тарбиясига таъсири жуда катта. Фарзандининг соғлом овқатланиши, одоб-ахлоқи, таълим-тарбияси ва руҳий хотиржамлиги ота-онанинг доимий эътиборини талаб қилади. Айниқса, бир нечта фарзанди бор оилаларда бу масъулият янада ортади.

Баъзан ота-оналар кундалик ташвишлар билан банд бўлиб, фарзандининг эҳтиёжларига етарлича аҳамият қаратмайди. Шу боис хотин-қизлар билан учрашувларда болаларга эътибор ва тарбия масалаларига ҳам алоҳида тўхталамиз. Зеро, бола катталарнинг насиҳатидан кўра, уларнинг ўзаро муносабатидан кўпроқ ўрнак олади.

Маҳалламизда тикувчилик, чорвачилик ва қандолатчилик каби йўналишлар ривожланган. Хотин-қизларимиз орасида расмий ишлайдиганлар ҳам, мавсумий меҳнат билан шуғулланаётганлар ҳам бор. Уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунар ўрганиши ва ўз даромад манбаини яратишига кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратамиз.

Дилдора Эшботирова ногиронлиги бўлишига қарамай, тикувчиликни ўрганиб, меҳнат орқали даромад топишга интилди. Чеварга шогирд тушиб, ҳунар сирларини ўзлаштирди. Ҳозир тикувчилик цехида ишлайди, бўш вақтида уйида ҳам буюртмалар қабул қилади. Энг қувонарлиси, ўзи ҳам шогирдлар тайёрлаяпти. Икки нафар фарзанди олий таълим муассасасида таҳсил олмоқда.

Дилдоранинг ҳаётига назар ташлар эканман, инсонга имконият ва ишонч берилса, у ўз қобилиятини намоён этиши мумкинлигини яна бир бор ҳис қиламан. Ногиронлик инсоннинг меҳнат қилиш, касб ўрганиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш истагига тўсиқ бўлмаслиги керак.

Яна бир фуқаро Гулёр Раҳмонова чорвачиликни йўлга қўйиш ниятида. У шу кунгача мавсумий ишлар билан шуғулланиб келган. Энди эса 12 бош қўй сотиб олиб, ўз даромад манбаини яратишни режалаштирмоқда. Бунинг учун кредит олиш масаласида ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Хонадонда чорва боқиш учун шароит бисёр. Унинг ташаббуси амалга ошса, оиласи учун барқарор даромад манбаи пайдо бўлиши мумкин.

Фаолиятимиз давомида айрим хотин-қизларга ёрдам бериш истагимиз бўлса-да, улар белгиланган талабларига мос келмаслиги сабабли имкониятларимиз чекланиб қолади. Шу боис маҳаллалардаги ҳақиқий эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда, опа-сингилларимизнинг кичик тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш муҳим, деб ўйлайман.

Баъзан катта маблағ эмас, балки кичик миқдордаги моддий кўмак, зарур асбоб-ускуна ёки касб ўрганиш имкониятининг ўзи аёлга янги йўл очади. Муҳими, кўрсатилаётган ёрдам унинг мустақил даромад топишига, оила фаровонлигини оширишига хизмат қилсин.

Маҳалладаги ишим менга инсонлар билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиш имконини берди. Ҳар бир яраштирилган оила, ҳунар ўрганиб иш бошлаган аёл, фарзандининг таълими учун кўмак олган она — меҳнатимиз натижасини кўрсатадиган ҳаётий мисоллардир.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

ТАШАББУС ҲАЁТГА ЯНГИ ЁНДАШУВ КИРИТДИ

Пахтаобод туманидаги “Чорсу” маҳалласида фаолият юритаётган тадбиркор Ҳафизахон Турғунова хотин-қизларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш, уларнинг бандлигини ошириш ва иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш борасида ибратли ташаббусларни амалга оширмоқда.



Тадбиркор ташкил этган замонавий тикув цехида бугунги кунга қадар маҳалладаги 15 нафар аёл трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида доимий иш билан таъминланган. Мазкур ташаббус фуқароларнинг оилавий даромадини ошириш ва касбий кўникмасини ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда ҳудуддаги ижтимоий дафтарларда рўйхатда турган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яқинда яна 3 нафар ишсиз аёл тикув цехига доимий ишга қабул қилинди. Натижада маҳаллада хотин-қизлар учун янги меҳнат имкониятлари яратилиб, уларнинг иқтисодий мустақиллигини оширишга яна бир қадам қўйилди.

Истиқболдаги режаларга кўра, тадбиркор ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришни мақсад қилган. Лойиҳанинг навбатдаги босқичида маҳалладаги яна 15 нафар ишсиз фуқарони жараёнга жалб этиш ва янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.



Жорий йилнинг ўтган 9 ойида мамлакатимиздаги 4 380 ТА МАҲАЛЛАДА жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.



УЧКЎПРИК ТУМАНИДАГИ “БОҒИБЎСТОН” МАҲАЛЛАСИДА киберхавфсизликка бағишланган профилактик ўрганиш ишлари олиб борилди.



ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ “ОҚТОШ” МАҲАЛЛАСИДА ташкил этилган сайёр қабулда 10 нафар фуқаронинг мурожаати ижобий ҳал этилди.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Кундалик хизмат вазифаларимиз кўп, фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатлар ҳам эътиборимиздан четда қолмайди. Ҳар бир инсоннинг кўнглига йўл топиш, дардини тинглаш, муаммосининг моҳиятини англаб, унга ечим излаш фаолиятимнинг ажралмас қисмига айланган.

“Бир қарич ер, деб қўшнилар қарши бўларкан...”



Баҳодир ШУКУРОВ, Пахтакор туманидаги “Сувонобод”, “Самарқанд”, “Олмазор” маҳаллалари солиқ инспектори.

Баъзан шундай вазиятлар бўладики, кутилмаганда бирор муаммога дуч келаман. Бундай пайтда ҳолатга бефарқ қараб, ўз йўлимда давом этолмайман. Бир куни хизмат ҳудудимдаги кўчадан ўтиб кетаётиб, икки қўшнининг баланд овозда тортишаётганига гувоҳ бўлдим. Улардан бири ҳовли девори ёнида туриб, қўшнисининг ерини эгаллаб олганликда айблар, иккинчиси эса қўлидаги кадастр ҳужжатини кўрсатиб, ўзининг ҳақ эканини таъкидларди.

— Отамдан қолган ҳовлининг чегараси бу ердан ўтмаган, — деди ёши каттароқ фуқаро. — Сиз деворни ичкарига суриб, еримиздан қўшиб олгансиз.

— Мен деворни ўзбошимчалик билан қурганим йўқ, — дея эътироз билдирди қўшниси. —Кадастр ҳужжатимда қанча ер кўрсатилган бўлса, шундан фойдаланиб келаман.

Вазият тобора кескинлашаётганини кўриб, уларнинг ёнига бордим. Иккисини ҳам яхши танирдим. Маҳалланинг энг фаол, эл корига ярайдиган инсонларидан. Ҳашар бўладими, бирор тадбир ёки йиғинми — бу икки қўшни доим биринчилардан бўлиб бош-қош бўлишарди. Бугун нима бўлибдики, иккисининг орасидан оламушук ўтибди? Ораларидан қандай гап ўтди экан? Бунинг сабабини билмай, шунчаки ўтиб кетолмадим. Иккисини ҳам бироз хотиржамликка чақириб, гап нимада эканини сўрашга жазм қилдим.

Суҳбатлашгач, келишмовчиликнинг асл сабаби ойдинлаша бошлади. Маълум бўлишича, қўшнилардан бири яқинда эски деворини бузиб, янгисини қурдирган. Шундан сўнг ён қўшниси девор аввалги чегарадан қарийб ярим метр ичкарига сурилганини пайқаган. Унинг қўлида отасидан қолган эски ер ҳужжатлари бўлиб, ундаги ҳовли майдони ҳозирги ҳолатга мос келмасди. Иккинчи фуқаро эса янгиланган кадастр ҳужжатига таянаётган эди.

Суҳбат давомида масаланинг яна бир жиҳати аниқланди. Ёши катта фуқаро ерининг бир қисми қўшнисига ўтиб кетгани, аммо ер солиғи ҳамон аввалги майдон бўйича ҳисобланаётганидан норози эди. Уларга ер чегарасини аниқлаш кадастр органининг ваколатига киришини тушунтириб, туман кадастр бўлимига биргаликда мурожаат қилишни тавсия этдим. Орадан бир неча кун ўтиб, мутахассислар ҳовлиларнинг чегараларини ўлчаб, ҳужжатларни солиштиришди. Натижада янги девор қурилишида чегара нотўғри белгиланиб, қўшни ернинг бир қисми эгаллаб олингани маълум бўлди.

Мутахассислар ўлчов натижаларини тушунтиргач, хатога йўл қўйган қўшни деворни белгиланган чегара бўйича қайта қуришга рози бўлди. Шу тариқа, икки оила ўртасидаги келишмовчилик судгача етиб бормай, ўзаро муроса билан ҳал этилди. Кадастр маълумотлари асосида ер солиғи ҳам қайта кўриб чиқилиб, аниқланган тафовутлар бартараф этилди.

Бу воқеа яна бир бор шуни англатдики, баъзан оддий кўринган низо ортида бир неча муаммо яширинган бўлади. Муҳими, фуқароларнинг дардига бефарқ бўлмаслик, уларни тинглаш ва қонуний ечим топишга кўмаклашишдир. Зеро, ўз вақтида кўрсатилган эътибор катта келишмовчиликларнинг олдини олиши мумкин.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

МУЛОҚОТ БОР ЖОЙДА МУАММОГА ЕЧИМ БОР

Ўн икки йил шу тизимда ишлаб, анча-мунча тажриба тўпладим. Мана, икки йилдирки, шу тажрибам ёрдамида маҳалламизни “яшил” тоифада сақлаб келяпмиз. Бу қандай тажриба экан, дейсизми, оддий: халқ билан мулоқот.

Бахриддин ТУРСУНОВ, Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла профилактика инспектори, капитан.



Кунлик ишимизни раис бошчилигида 19-умумтаълим мактабидан бошлаймиз. Ҳар куни эрталаб соат саккизлар атрофида мактабга келиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқотда бўламиз. Муҳим масалалар бўлса, ҳал этиш чораларини кўрамиз. Бундай ҳамкорлик таълим сифатини оширишга, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қиляпти.

Мактабдан чиқиб, кўча бошилари ва ҳаётий тажрибага эга нуроний отахон ва онахонлар билан кўчама-кўча юриб, аҳоли билан мулоқотда бўламиз. “Гуруч курмаксиз бўлмайди”, деганларидек, ҳамма оилаларнинг ҳам турмуши тинч-фаровон эмас. Шу боис, энг аввало, оғир беморлар, низоли оилалар ва спиртли ичимликка ружу қўйган оилаларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга зарур ёрдамлар кўрсатяпмиз.

Яқинда бир оилада эр-хотин ўртасида оилавий келишмовчилик юзага келди. Ўз вақтида “маҳалла еттилиги” ва фаоллар кўмагида ўтказилган мулоқот натижасида муаммолар ҳал этилиб, аёлига ҳимоя ордери берилди. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам кўрсатилди. Оила бошлиғига уч миллион сўмлик иш таклиф этдик, аммо бу маошга рози бўлмай, пойтахтда ўзи ишлаб келаётган мавсумий қурилиш ишларида ишлашни маъқул кўрди. Шундан сўнг бу оилани бир нуроний отахонимизга бириктириб, доимий назоратга олдик.

Оилалар тинч, фаровон бўлса, маҳалла осойишта, барқарор бўлади. Шу боис асосий эътиборимизни оилаларга қаратяпмиз. Айни пайтда “Турмуш” профилактик тадбири ойлиги ўтказилмоқда. Ушбу ойлик доирасида оилавий низоларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш, ёшларни масъулиятли оилавий ҳаётга тайёрлаш, хотин-қизлар ва болаларни тазйиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш, муаммоли оилалар билан алоҳида профилактик суҳбатлар ўтказиш, оилавий қадриятлар ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Кутилаётган натижа: оилаларда тинчлик ва тотувлик мустаҳкамланади, низоли ҳолатларнинг олди олинади, соғлом турмуш тарзи ва оилавий қадриятларга ҳурмат ортади, маҳалла ва оилалар ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Бош мақсадимиз – фуқароларга тезкор ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий маслаҳат бериш ҳамда хавфсиз муҳитни таъминлашдир. Бу йўлда “Маҳалла – мактаб – оила” ҳамкорлиги яхши самара беряпти. Эътиборлиси, беш мингга яқин маҳалла аҳолисининг аксарияти зиёли. Шу боис профилактик тарғибот тадбирларимизнинг таъсирчанлиги юқори бўляпти. Бу эса иш тажрибамнинг асоси мулоқот эканининг яна бир тасдиғидир.

МОҲИЯТ

Солиқ қайтими — томорқа ривожига турткими?

Томорқасидан унумли фойдаланиб, рўзғорига барака киритаётган оилалар кўп. Кимдир бир неча сотих ерда сабзавот етиштиради, бошқаси иссиқхона ташкил этиб, йил давомида бозорга маҳсулот чиқаради.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Аммо ердан юқори даромад олишнинг ўзи осон эмас. Уруғ, кўчат, ўғит, сув, меҳнат ва бошқа харажатлар ҳам бор. Шу боис даромаднинг бир қисмини яна хўжаликни ривожлантиришга йўналтириш ҳар бир томорқа эгаси учун муҳим.

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 9 октябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан юқори даромад олувчиларга бюджетга тўланган ер солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик низом ана шундай меҳнаткаш оилаларни рағбатлантиришга қаратилган янги имкониятни назарда тутмоқда.

Унга мувофиқ, 2027 йилдан бошлаб Наманган вилоятида тажриба тариқасида томорқа ва деҳқон хўжаликларидан юқори даромад олувчиларга бюджетга тўланган ер солиғининг 90 фоизи қайтарилади.

Янги Низомда ердан самарали фойдаланиб, юқори даромад олаётганлар моддий рағбатлантирилади. Яъни фуқаро ер солиғини тўлиқ тўлайди, белгиланган шартларни бажаргач, унинг 90 фоизини қайтариб олиш имкониятига эга бўлади. Масалан, 500 минг сўм ер солиғи тўлаган томорқа эгаси 450 минг сўмини қайтариб олиб, кўчат, уруғ ёки ўғит харидига йўналтириши мумкин.

Бироқ бу имкониятдан фойдаланишнинг муайян шартлари бор. Фуқаронинг ерга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлиши, ер қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ишлатилиши зарур. Шунингдек, йиллик маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳар бир сотих ҳисобига БҲМнинг 25 бараваридан юқори бўлиши талаб этилади. Масалан, 5 сотих ер учун бу кўрсаткич БҲМнинг 125 бараваридан ошиши керак. Бунда соф фойда эмас, маҳсулот сотишдан олинган даромад ҳисобга олинади. Ер солиғи бўйича қарздорлик бўлмаслиги ва ҳисобланган солиқ тўлиқ тўланиши ҳам муҳим шартлардан.



Янги тартибнинг яна бир қулайлиги — жараённинг рақамлаштирилишидир. Фуқаро “Онлайн маҳалла” платформасига экин майдони, маҳсулот тури ва сотилган ҳосил ҳажми ҳақида маълумот киритади. Даромадни ҳисоблашда “UzexAgro” платформасидаги ўртача савдо нархларининг 80 фоизи асос қилиб олинади. Автоматлаштирилган дастур ушбу маълумотлар асосида имтиёзга мувофиқликни текшириб, қайтариладиган суммани аниқлайди. Тасдиқланган маблағ солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали фуқаронинг банк картасига ўтказилади.

Аввало, ерга оид ҳужжатларни тартибга келтириш, амалда фойдаланилаётган майдон билан расмий маълумотлар ўртасида тафовут бўлмаслигига эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, фуқаро етиштирган ва сотган маҳсулоти ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида, тўғри киритиши керак. Такрорий экин экилганда ҳам тегишли маълумотлар янгиланади. Солиқ қарздорлигини ўз вақтида бартараф этиш ҳам имтиёздан фойдаланишнинг муҳим шартидир. Бошқа солиқлар, пеня ёки молиявий санкциялар бўйича қарздорлик бўлса, қайтариладиган маблағ, аввало, шу қарзларни қоплашга йўналтирилади.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, 2027 йилда Наманган вилоятида ўтказиладиган тажриба натижалари таҳлил қилиниб, тартибни бошқа ҳудудларда ҳам жорий этиш юзасидан 2028 йил 1 февралга қадар таклиф киритилиши белгиланган. Демак, ҳозирча ушбу имтиёз бутун республикада амал қилмайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

РАҚАМЛИ ДУНЁДА ИШОНЧНИНГ ҲАМ ЧЕГАРАСИ БОР

Киберхавфсизлик маркази ишлаб чиққан “APK Qo‘riqchi” иловаси сизнинг телефонингизга ҳар хил сайтлар ёки номаълум шахслар орқали “APK” файллар келган пайтда маълумот беради. Бу илова фирибгарларнинг турли найрангларидан ҳимоя қилади. Бироқ фирибгарлар ҳам тинч ўтиргани йўқ: фуқароларнинг телефон қурилмаларига “APK” файлларнинг номларини “APK Qo‘riqchi” номи остида юбормоқда.

Мақсадбек ҚЎЧҚОРОВ.

Айни ҳолатга қарши ички ишлар вазирлиги кибержиноятларга қарши курашиш учун аниқ ва мақсадли чора-тадбирларни амалга оширяпти. Марказий банк билан ҳамкорликда яратилган махсус тизим орқали банк картасидан ўзлаштирилган пулларни тўхтатиш (блоклаш) тартиби йўлга қўйилгани натижасида жорий йилнинг 9 ой давомида **77 миллиард 344 миллион сўмнинг ноқонуний четга чиқиб кетишининг олди олинди ҳамда 43 001 та жиноятга алоқадор банк карталари қулфланди.** Жорий йилда жами **17 минг 483 та кибержиноят фош этилди, 19 минг нафардан ортиқ фуқарога етказилган 209 миллиард 934 миллион сўмдан зиёд** моддий зарар қайтарилди.

Шунингдек, асосий эътибор мазкур турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилиб, интернетнинг ўзбек сегментида **2 565 та огоҳлантирувчи контент яратилди** ва **650 та ресурсда мунтазам жойлаштирилди**, ахборот майдонида киберхавфсизлик маданиятини шакллантириш ишлари жадаллаштирилди.



Бироқ кибержиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шу боис кибержиноятларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш, жиноят содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш зарур. Қолаверса, **Марказий банк ва тижорат банклари билан ҳамкорликни кучайтириш**, антифрод тизими имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда интернет-фирибгарликни барвақт аниқлаш чораларини ошириш лозим.

Шунингдек, “APK Qo‘riqchi” платформасини амалиётга кенг жорий этиш, аҳоли ўртасида киберхавфсизлик бўйича тарғибот ишларини мақсадли амалга ошириш, аҳолининг фирибгарлик усуллари ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш қоидалари ҳақида хабардор қилиш ва профилактик ишлар самарадорлигини ошириш талаб қилинади.



Давлат ташкилотларида қоғоз сарфини камайтириш ва экологик маданиятни юксалтиришга қаратилган “ҚОҒОЗСИЗ БИР КУН” ЭКОАКЦИЯСИ ўтказилди.



Соҳибқирон Амир Темурнинг “ТЕМУР СУЗУКЛАРИ” АСАРИ илк бор беларусь тилида чоп этилди.



1 октябрь ҳолатига Ўзбекистонда жами 496 минг 909 нафар фуқарога ПРОАКТИВ ШАКЛДА ПЕНСИЯ ХИЗМАТЛАРИ кўрсатилди.

ТАҲЛИЛ

“YANDEX GO”ДАГИ УЗИЛИШ: рақамли қарамликдан чиқишнинг йўли борми?

Россиянинг Владимир вилоятидаги “Yandex” маълумотлар марказига уюштирилган дрон ҳужумларидан сўнг техник носозликлар сабаб Ўзбекистонда “Yandex Go” ва компаниянинг бошқа хизматлари фаолиятида узилишлар кузатилди. Натижада йўловчилар такси чақиришда, ҳайдовчилар буюртма қабул қилишда қийинчиликларга дуч келди. “Yandex Pay”, “Yandex Pro” каби хизматлар ишида ҳам муаммолар юзага келди.

Нодир ТУРДИМАТОВ,
“IT” тадбиркор,
“RevoTech” компанияси ҳаммуассиси.

“Yandex Uzbekistan” раҳбари Иззат Шукуров компания мутахассислари носозликларни бартараф этиш устида ишлаётганини маълум қилди. Хизматлар қисқа вақтда тикланган бўлса-да, бу ҳолат мамлакатимиз рақамли хизматларининг ташқи инфратузилмага қанчалик боғлиқ эканини кўрсатди.

Бугун “Yandex Go” оддий такси чақириш иловасидан кенгроқ тизимга айланган. У орқали минглаб ҳайдовчилар даромад топмоқда, фуқаролар транспорт эҳтиёжларини қондиряпти, тадбиркорлар эса етказиб бериш хизматларидан фойдаланмоқда. Бундай имкониятларнинг ягона платформада жамлангани қулай, бироқ унинг фаолиятидаги узилиш бир вақтнинг ўзида бир нечта соҳада муаммоларни юзага келтириши мумкин. Айниқса, платформанинг асосий техник тизимлари хориждаги серверларга боғлиқ бўлса, у ердаги ҳар қандай фавқулодда ҳолат мамлакатимиздаги хизматларга ҳам таъсир кўрсатади. Бу эса рақамли хизматларнинг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган мустақил маҳаллий инфратузилмани ривожлантириш заруратини юзага чиқармоқда.

Бунинг учун, аввало, “Yandex” каби йирик рақамли платформаларнинг Ўзбекистон ҳудудида маҳаллий маълумотлар марказлари ва захира сервер қувватларини ташкил этиши масаласини кўриб чиқиш лозим. Бироқ бунинг ўзи етарли эмас. Буюртмаларни қабул қилиш, ҳайдовчиларни йўловчиларга бириктириш ва маълумотларни қайта ишлаш каби асосий жараёнлар ҳам зарурат туғилганда хориждаги марказий тизимлардан мустақил ишлай олиши керак. Шундагина ташқи серверларда носозлик юзага келган тақдирда хизматларни маҳаллий инфратузилма орқали давом эттириш имконияти пайдо бўлади. Бу нафақат такси хизматлари, балки бошқа муҳим рақамли платформалар барқарорлиги учун ҳам аҳамиятлидир.



Мазкур ҳодиса яна бир муаммони, яъни бозорда муқобил хизматларнинг етарлича ривожланмаганини ҳам кўрсатди. Тўғри, Ўзбекистонда “Yandex Go”дан ташқари бошқа такси хизматлари ҳам мавжуд. Аммо уларнинг хизмат кўрсатиш ҳудуди, ҳайдовчилар сони ва техник имкониятлари бир хил эмас. Натижада йирик платформа фаолияти тўхтаганида фойдаланувчиларнинг бошқа хизматга тезда ўтиши қийинлашади.

Бундай вазиятларнинг олдини олиш учун маҳаллий такси хизматлари ва янги технологик стартапларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳудудлардаги фаолиятини кенгайтириш, бозорга киришдаги ортиқча тўсиқларни камайтириш муҳим. Энг асосийси, барча иштирокчилар учун тенг рақобат шароити яратилиши керак. Чунки бозорда бир нечта кучли платформанинг фаолият юритиши нафақат хизмат сифатини оширади, балки фавқулодда вазиятларда фойдаланувчиларга муқобил танлов имкониятини ҳам беради.

Масаланинг яна бир жиҳати ҳайдовчилар, етказиб берувчилар ва ҳамкор тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ. Илова ишламаган ҳар бир дақиқада ҳайдовчи буюртма олиш имкониятидан маҳрум бўлади, етказиб бериш билан шуғулланувчи тадбиркор эса мижоз олдидаги мажбуриятини вақтида бажара олмаслиги мумкин. Шундай вазиятда юзага келган зарар учун ким жавоб беради? Компания фойдаланувчилар ва ҳамкорлар олдида қандай мажбуриятларга эга? Бу саволларга ҳам аниқ ҳуқуқий ечим зарур.

Шу мақсадда йирик рақамли хизмат кўрсатувчилар учун хизмат узлуксизлиги бўйича мажбурий стандартларни ишлаб чиқиш, носозлик юз берганда фойдаланувчиларни хабардор қилиш муддатлари ва захира тизимга ўтиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳайдовчилар ва ҳамкор ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларда техник узилишлар оқибатида етказилган зарарни қоплаш шартлари ҳам аниқ кўрсатилиши керак.

Бундай талабларнинг амалда ишлаши учун тегишли давлат органларининг рақамли платформаларнинг техник барқарорлигини баҳолаш, фавқулодда вазиятларга тайёргарлигини синовдан ўтказиш ва хизмат узлуксизлиги бўйича шаффоф назоратни шакллантириш ҳам муҳим. Зеро, муаммо юз берганидан кейин уни бартараф этиш билан чекланиш эмас, балки бундай ҳолатларнинг оқибатини олдиндан камайтиришга қаратилган тизимни яратиш зарур.

Хўш, бундай шароитда “Yandex” хизматларидан бутунлай воз кечиш тўғри ечим бўладими? Масалага иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ёндашсак, кескин чекловлар янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки бугун ушбу платформа минглаб ҳайдовчи ва етказиб берувчиларнинг даромад манбаи, кўплаб фуқаролар учун эса кундалик эҳтиёжга айланган. Муқобил хизматлар етарли даражада ривожланмаган шароитда ундан воз кечиш транспорт хизматлари нархининг ошиши, иш ўринлари ва даромадларнинг қисқаришига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун асосий мақсад “Yandex”ни бозордан чиқариш эмас, балки унинг мамлакатимиздаги техник барқарорлигини кучайтириш, фойдаланувчилар олдидаги масъулиятини ошириш ва бошқа платформаларнинг ривожланиши учун кенг имконият яратишдан иборат бўлиши лозим.

МУЛОҲАЗА

...Соат эрталабки олти. Нормурод ака бугун ҳам барвақт уйғонди. Қирқ йилга яқин бир жамоада ишлаган инсон учун тонгни ишга отланиш билан бошлаш одатга айланган. Ювиниб, кийимларини кийди. Аммо эшик олдига келганда бир зум тўхтаб қолди. Энди уни кутаётган ишхона ҳам, бажарилиши зарур бўлган кундалик вазифалар ҳам йўқ. Кечагина ҳамкасблари даврасида ҳурмат-эътибор кўрган, маслаҳатига қулоқ тутилган инсон бугун ўзини гўё ҳеч кимга кераксиздек ҳис этди...

Нафақага чиққач, кераклилик ҳисси йўқоладими?

Бу — бир инсон тақдири орқали тасвирланган шартли воқеа. Аммо унинг замирида кўплаб оилаларга таниш бўлган ҳолатлар мужассам. Негаки, нафақага чиқиш ҳар доим ҳам инсон тасаввур қилганидек осойишта ва ташвишсиз ҳаётнинг бошланиши бўлавермайди.

НАФАҚА — ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИМИ?

Бугун мамлакатимизда нафақа олувчилар сони 4,3 миллион нафардан ошган. Бу рақам ортида турлича тақдирлар, эҳтиёжлар, ҳаёт давомида орттирилган тажриба ва кексаликка доир ташвишлар бор.

Масаланинг яна бир нозик жиҳати бор. Айрим инсонлар учун пенсияга чиқиш нафақат даромаднинг ўзгариши, балки йиллар давомида шаклланган ижтимоий мавқе ва кундалик муносабатларнинг ҳам ўзгаришидир. Психологик ёндашувларга кўра, инсон ўзини қадрли ва керакли ҳис этишга эҳтиёж сезади. Меҳнат фаолияти тўхтагач, кундалик мулоқот ва машғулотларнинг камайиши айрим кексаларда ёлғизлик, тушкунлик ҳамда ўзига ишончнинг сусайишига олиб келиши мумкин.

Баъзан оилада ҳам бу ҳолат етарлича англанмайди. Фарзандлар ота-онасининг моддий эҳтиёжларини таъминлашга ҳаракат қилади, аммо уларнинг суҳбатга, эътиборга ва ўз фикрини билдиришга бўлган эҳтиёжини сезмай қолади. Аввал фарзандлар маслаҳат сўраб мурожаат қилган ота бугун оилавий қарорлар муҳокамасида қатнашмай қўйиши мумкин. Онахоннинг тажрибаси эса кундалик ташвишлар орасида эътибордан четда қолади. Бундай ўзгаришлар баъзан сезилмасдан кечади. Ваҳоланки, кекса инсон учун баъзан бир пиёла чой устидаги самимий суҳбат ҳам катта маънавий таянч бўлиши мумкин.

Пенсияга чиқишга фақат ҳужжат ва маблағ масаласи сифатида эмас, руҳий жиҳатдан ҳам тайёргарлик кўриш зарур. Инсон нафақа ёшига етмасидан бир неча йил аввал ҳаётининг кейинги босқичини режалаштириши мақсадга мувофиқ. Зеро, ишдан бўшаган куннинг эртасига инсон ўзи учун янги ҳаёт мазмунини бирданига топиб ололмайди. Бу жараёнда иш берувчиларнинг ҳам масъулияти бор. Нафақа арафасидаги ходимларга молиявий ва психологик маслаҳатлар бериш, хоҳиши ва имкониятига қараб, уларни “устоз-шогирд” дастурларига, қисман бандлик, маслаҳатчилик ва мослашувчан иш жадвали имкониятларига жалб этиш мумкин.

Кексаларнинг жамиятдаги фаоллигини таъминлашда маҳалланинг ўрни алоҳида. Маҳалла фаоллари пенсияга чиққан фуқароларнинг қизиқиши, касби ва имкониятларини ўрганиб, уларни доимий машғулотларга жалб этиши мумкин. Масалан, тажрибали ҳунарманд ёшларга касб ўргатса, собиқ ўқитувчи ўқувчиларга маслаҳат берса, боғдорчиликка қизиққан отахон маҳаллада кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлса, улар ўзларини ҳамон жамиятга керакли ҳис этади.



ТАЖРИБАГА ЭҲТИЁЖ БОР, АММО УНГА ИМКОНИЯТ-ЧИ?

Яна бир мунозарали масала — пенсия ёшидаги инсонларнинг меҳнат қилиш имконияти. Айрим кексалар саломатлиги ва хоҳишига кўра, фаолиятини давом эттиришни истайди. Аммо иш берувчилар баъзан уларнинг билими ва тажрибасидан кўра ёшига кўпроқ эътибор қаратади.

Аслида, кўп йиллик тажрибага эга устоз, муҳандис, ҳунарманд ёки мутахассиснинг салоҳияти бир кунда йўқолиб қолмайди. Улар ёшларга касб ўргатиши, маслаҳат бериши, маҳалладаги ижтимоий лойиҳаларда иштирок этиши мумкин. Бундай имкониятлар кексалар учун қўшимча даромад манбаи бўлиш билан бирга, авлодлар ўртасидаги алоқаларни ҳам мустаҳкамлайди. Ахир инсон пенсияга чиққани билан унинг билими, орзу-истаклари, жамиятга фойда келтиришга бўлган эҳтиёжи тугамайди.

Меҳнат дафтарчаси ёпилиши мумкин, аммо инсоннинг билими, тажрибаси ва жамиятга фойда келтириш имконияти шу билан тугамайди. Бу имкониятдан қай даражада фойдаланишимиз эса **оила, иш берувчи, маҳалла ва ижтимоий институтларнинг** ёндашувига боғлиқ.

Ширин ёлғонга алданиб, аччиқ ҳақиқатдан нега ранжиймиз?..

ҲАЁТ САБОҒИ

Куни кеча кўчада кетаётиб, ёши улуғ икки кишининг суҳбатига беихтиёр гувоҳ бўлдим. Улардан бири дўстига берган ваъдасини бажармаганини турли баҳоналар билан оқлашга уринарди. Гапларидан эса ҳақиқатни яшираётгани сезилиб турарди. Энг ажабланарлиси, суҳбат тугагач, у ҳеч нарса бўлмагандек йўлида давом этди.

Икром АБДУЖАББОРОВ,
Қизирик туманидаги
“Янги турмуш” маҳалласи.

Ўша лаҳзада мени ёлғоннинг ўзидан ҳам кўра, унинг бу қадар осон айтилаётгани ўйлантирди. Ахир, бу инсон ёши бир жойга борган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, бошқаларга ибрат бўлиши керак бўлган киши эди. Афсуски, баъзан катталарнинг ўзи ҳам рост сўзлаш масъулиятини унутиб қўяётгандек.

Шу воқеадан сўнг бир савол хаёлимдан кетмади: нега бугун одамлар бир-бирини алдашни оддий ҳолдек қабул қилмоқда? Биров ваъда беради-ю, бажармайди, бошқаси ўз манфаати йўлида ҳақиқатни яширади. Яна кимдир кўнгил оғритмасликни баҳона қилиб, ёлғон гапиришни маъқул кўради. Энг ёмони, бундай ҳолатларга кўникиб бораётгандекмиз. Ёлғон фош бўлса ҳам, “Ҳамма шундай қилади”, “Замон шунақа”, деган гаплар билан ўзимизни овутамиз.



Аслида, ёлғоннинг катта-кичигига қараб уни оқлашга уринишнинг ўзи хавфли. Чунки бир марта алданган инсон кейинги сафар рост гапга ҳам шубҳа билан қарай бошлайди. Шу тариқа одамлар ўртасидаги ишончга путур етади. Ишонч йўқолган жойда эса самимият ҳам, ҳурмат ҳам аста-секин қадрини йўқотади.

Баъзан ҳақиқатни юзимизга айтган кишидан ранжиймиз. Камчилигимизни кўрсатса, уни ёмон кўриб қоламиз. Аксинча, кўнглимизга ёқадиган гапни айтган, гарчи у ёлғон бўлса-да, ўша инсонни ўзимизга яқин оламиз.

Бежизга шоир Эркин Воҳидов “Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон”, деган сатрлари орқали ёлғоннинг салбий оқибатларидан огоҳлантирмаган. Зеро, аччиқ ҳақиқат инсонни ўйлантиради, хатосини англашга ундайди. Ширин ёлғон эса вақтинча кўнгилга таскин бергандек туюлса-да, охир-оқибат ишончсизлик ва пушаймонликка олиб келади.

Динимизда ҳам ростгўйлик юксак фазилат сифатида улуғланиб, ёлғон қаттиқ қораланган. Имом Молик ривоят қилган ҳадисда шундай зикр қилинади:

Набий алайҳиссаломдан сўрашди:
— Мўмин қўрқоқ бўлиши мумкинми?
— Ҳа, — дедилар.
— Бахил бўлиши мумкинми?
— Ҳа, — дедилар.
— Ёлғончи бўлиши мумкинми?
— Йўқ, асло! — дедилар.

Бу ҳадис инсоннинг имони ва ахлоқида ростгўйлик нақадар муҳим ўрин тутишини англатади. Ўйлаб қарасак, ёлғон фақат уни айтган кишининг обрўсига эмас, атрофдагиларнинг ҳаётига ҳам таъсир қилади. Бугун дўстини алдаган одам эртага оиласида, иш жойида ёки маҳалласида ҳам шундай йўл тутиши мумкин. Энг ачинарлиси, буни кўриб улғаяётган ёшлар ёлғонни ҳаётдаги оддий муомала усули, деб қабул қилиши эҳтимолдан холи эмас.

ВАҚТ ЎТКИНЧИ, ШЕЪРИЯТ БОҚИЙДИР

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

Вақтни тўхтатиб бўлмайди. У инсон умрининг ҳар бир лаҳзасини ортда қолдириб, кечаги кунни хотирага, бугунни эса эртанги тарихга айлантиради.

Аммо шундай туйғулар, кечинмалар ва сўзлар борки, йиллар уларнинг қадрини йўқотолмайди. Аксинча, вақт ўтгани сайин маъноси теранлашиб, янги авлодлар қалбида ҳам акс-садо беради. Шеъриятнинг қудрати ҳам шунда. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Вақт ҳайкали” китоби номи ҳам китобхонни, аввало, умр, хотира ва боқийлик ҳақида ўйлашга ундайди.



Хўш, “Вақт ҳайкали” китобининг ўзига хослиги нимада? Нега шоир вақтни айнан ҳайкал тимсолида тасаввур этади?

Одатда, ҳайкал деганда, кўз олдимизга тарихда из қолдирган инсонлар ёки унутилмас воқеалар хотирасига бунёд этилган обида келади. Вақт эса кўзга кўринмайди, уни ушлаб ҳам, ортга қайтариб ҳам бўлмайди. Шоир танлаган ном ана шу икки тушунчани бирлаштириб, ўқувчини ўзига хос фалсафий мушоҳадага чорлайди.

Сирожиддин Саййид ижодига хос жиҳатлардан бири миллий руҳ, Ватан туйғуси, инсон қалби ва ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларнинг шеърий ифода топишидир. Унинг поэтик оламида оддий ҳаётий ҳолатлар ҳам кенгроқ маъно касб этиб, ўқувчини сўз ортидаги фикрни англашга чорлайди. “Вақт ҳайкали” атамасининг ўзида ҳам ана шундай маъно қатламлари мужассам: умр ўткинчилиги ва маънавий мероснинг давомийлиги бир-бирига қарама-қарши қўйилгандек туюлади.

Хўш, китобни оддий ўқувчига тавсия этиш мумкинми? Албатта, шеъриятни севувчи, ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларга қизиқувчи китобхон учун ушбу нашр эътиборга молик. Чунки шеърнинг қадри фақат унинг оҳангдорлигида эмас, балки инсонни ўйлашга, ўз кечинмаларига бошқача назар ташлашга ундашида ҳам намоён бўлади.

Зеро, вақтнинг ўзи ҳеч кимга ҳайкал қўймайди. Инсон уни эзгу амаллари, яратган асарлари ва қалбларда қолдирган излари билан бунёд этади. “Вақт ҳайкали” номи ҳам бизни ана шу ҳақиқат устида ўйлашга чорлайди. Шеърият эса ўтиб бораётган умрнинг шовқини орасидан инсон қалбида абадий қолишга арзийдиган туйғуларни ажратиб олишга хизмат қилади.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Жорий йилда мамлакатимиздаги БОҒЧАЛАРДА ТАРБИЯЛАНАЁТГАН БОЛАЛАР СОНИ 2 миллион 533,3 минг нафарга етган.



Самарқанд вилоятида оғир ва даволаб бўлмайдиган касалликларга чалинган болалар учун ИЛК БОР МОБИЛ ПАЛЛИАТИВ ХИЗМАТ йўлга қўйилди.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизими ходимлари Латвиянинг Рига шаҳрида АМАЛИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИ ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ ташрифида иштирок этди.

ТАҲЛИЛ

ТИББИЙ КЎРИК: қоғозбозликми ёки келажак авлод олдидаги масъулият?

...Тўйга саноқли кунлар қолган. Қуда-андачилик юмушлари битган, сарпо-суруғ тайёр, тўйхона банд қилинган. Икки оиланинг хаёлида биргина ташвиш — маросимни кўнгилдагидек ўтказиш. Аммо ана шу шодиёна тараддудлари орасида энг муҳим масала — бўлажак келин-куёвнинг саломатлиги ҳақида ўйлаб кўрилдими?

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, журналист.



Миллий статистика қўмитаси маълумотига кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда **267 мингдан ортиқ никоҳ** қайд этилган. 2026 йилнинг биринчи ярмида эса **92 минг 314 та никоҳ** расмийлаштирилган. Бу рақамлар ҳар йили юз минглаб инсонлар янги ҳаёт бошлаётганини кўрсатади.

Бироқ никоҳлар сони ҳақидаги статистика оила қуриш арафасидаги инсонларнинг саломатлик ҳолати ёки тиббий кўрикда аниқланган касалликлар миқдорини англатмайди. Очиқ расмий манбаларда 2026 йил учун никоҳ олди тиббий кўригидан ўтганлар, аниқланган касалликлар ва генетик хавфлар бўйича республика миқёсидаги тўлиқ рақамлар мавжуд эмас.

Шу билан бирга, давлат хизматлари статистикасида никоҳга кирувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги электрон маълумотнома хизмати бўйича 2025 йилда 663 та, 2026 йилда эса 3 058 та фойдаланиш қайд этилган. Бу айнан электрон хизматдан фойдаланганлар сони. Шунинг учун уларни умумий тиббий кўрик қамрови билан тенглаштириш мумкин эмас.

ТИББИЙ КЎРИК БЕКОР ҚИЛИНГАНМИ?

2025 йил 1 декабрдан ФҲДЁ органларига тиббий кўрикдан ўтганлик ҳақидаги маълумотномани алоҳида тақдим этиш шарт эмаслиги тиббий кўрикнинг ўзи бекор қилинди, дегани эмас. Уларни идоралараро электрон тизимлар орқали олиш тартиби йўлга қўйилмоқда.

Бу ўзгаришни ортиқча қоғозбозликни қисқартириш нуқтаи назаридан ижобий баҳолаш мумкин. Аммо маъмурий тартибнинг соддалаштирилиши тиббий профилактикага бўлган эътиборни сусайтирмаслиги керак. Қоғоз маълумотнома талаб қилинмаслиги мумкин, лекин инсон саломатлигига оид муҳим саволлар ўз аҳамиятини йўқотмайди.

— Амалдаги тартибга кўра, никоҳланувчилар тиббий кўрикдан бепул ўтади, — ***дейди Миробод тумани кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Азиза Ширинова.*** *— Кўрик жараёнида умумий саломатлик баҳоланади, зарурatга қараб мутахассислар маслаҳати ва қўшимча текширувлар ўтказилади. Жумладан, тегишли йўналишлар бўйича руҳий саломатлик, наркологик ҳолат, сил, таносил касалликлари ҳамда ОИВ инфекциясига оид текширувлар назарда тутилган. Айрим қўшимча, жумладан генетик текширувлар эса тиббий кўрсатма ва белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади.*

БАХТНИНГ БОШИ — САЛОМАТЛИК

Никоҳ олди тиббий кўриги самарадорлигини ошириш учун бир қатор йўналишларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, ёшларга тиббий кўрикнинг мақсади, тартиби ва натижалари ҳақида содда, тушунарли тилда маълумот бериш керак. Муаммо аниқланган инсонга шунчаки маълумотнома бериш билан чекланмаслик лозим. Унга кейинги қадамлар, даволаниш имкониятлари, маслаҳат олиш тартиби ва зарур бўлса, тегишли мутахассисга мурожаат қилиш йўли тушунтирилиши керак.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги никоҳ олди тиббий кўриклар қамрови, аниқланган ҳолатлар, мутахассисга йўналтириш ва кейинги тиббий ёрдам натижалари бўйича шахсни аниқлаш имконини бермайдиган умумлаштирилган статистикани мунтазам эълон қилиб бориши мақсадга мувофиқ. Шунда жамоатчилик тизимнинг фақат қанча одамни текширганини эмас, балки бу текширувлар қандай профилактик натижа берганини ҳам баҳолай олади.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Ишонч қўрғонидаги ФАРЁД

Оила — энг ишончли қўрғон, меҳр ва хотиржамлик маскани. Аммо баъзан инсон ўзини энг хавфсиз ҳис қилиши лозим бўлган хонадонда қўрқув, таҳдид ва тазйиққа дуч келади. Бундай вазиятда жабрланувчи нафақат жисмоний ёки руҳий азобни бошдан кечиради, балки ўз муаммосини кимга айтиш, қаердан ёрдам сўраш ва эртанги кунни қандай қарши олиш ҳақида ўйлашга мажбур бўлади.



Зебунисо МУҲАММАДИЕВА, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш Республика миллий маркази директори.

Зўравонликнинг энг оғир жиҳати ҳам шунда, у инсоннинг нафақат бугунини, балки келажакка бўлган ишончини ҳам издан чиқаради. Айниқса, оиладаги носоғлом муҳитга гувоҳ бўлиб улғаяётган болаларнинг қалбида қоладиган қора чизиқларни тасвирлаш қийин.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида зўравонликдан жабрланганларга 107 минг 167 та ҳимоя ордери расмийлаштирилган. Шу даврда минглаб аёл ва болага ижтимоий, психологик ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Рақамлар муаммонинг кўлами, жабрланганларни қўллаб-қувватлашга бўлган эҳтиёж ва бу йўналишдаги хизматларнинг аҳамияти ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга ундайди.

КЎЗ ЁШ, ЯШИРИН ДАРД ВА АЙТИЛМАЙ ҚОЛГАН ГАПЛАР...

Ҳимоя ордери, бу — шунчаки расмий ҳужжат эмас. Унинг ортида кимнингдир кўз ёши, узоқ вақт давомида яширилган дард, айтилмай қолган гаплар ва ёрдам сўраш учун топилган жасорат туради. Бироқ ордернинг расмийлаштирилиши муаммо тўлиқ бартараф этилди, дегани эмас. Аксинча, у кўп ҳолларда инсоннинг ҳимояга муҳтожлигини англатувчи муҳим ҳужжатдир.

Зўравонликнинг олдини олишда жабрланувчини хавфдан ҳимоя қилиш билан бирга, унинг кейинги ҳаёти учун зарур шароитларни яратиш ҳам муҳим. Чунки тазйиққа учраган аёлнинг олдида фақат хавфсиз жой топиш вазифаси турмайди. Унинг фарзандлари, уй-жойи, даромади, иш билан таъминланиши, руҳий ҳолати ва жамиятдаги ўрни билан боғлиқ масалалар ҳам бор.

Агар аёл иқтисодий жиҳатдан бошқа бировга қарам бўлса, фарзандларини боқишга қийналса ёки яқинларининг муносабатидан қўрқса, зўравонлик муҳитидан чиқиб кетиши янада қийинлашади. Демак, ҳимоя ордери билан бошланган ёрдам жараёни инсоннинг мустақил ва хавфсиз ҳаёт кечиришига қадар давом этиши керак.

РАҚАМЛАР ОРТИДАГИ ТАҚДИРЛАР

Агентлик маълумотларида қайд этилишича, йилнинг дастлабки тўққиз ойида 58 минг 431 та сўровнома ўтказилган, кундузги қатнов асосида 43 минг 449 та хизмат кўрсатилган. Бирламчи кўмак хоналарида 5 995 нафар аёл ва 2 842 нафар бола ёрдам олган. Ҳудудий реабилитация марказларида эса жами 13 минг 779 та хизмат кўрсатилган.

Зўравонликка учраган инсон билан ишлашда ижтимоий ходим, психолог, ҳуқуқшунос, тиббиёт ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти катта. Жабрланган инсон бир идорадан иккинчисига юриб, ўз дардини қайта-қайта айтишга мажбур бўлмаслиги лозим. Аксинча, унинг эҳтиёжлари ўз вақтида аниқланиб, зарур хизматлар ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда кўрсатилиши керак.

Муаммонинг дастлабки белгиларини кўп ҳолларда яқин атрофдагилар сезади. Аммо бунда бир нозик жиҳат бор: зўравонлик ҳолатини аниқлаш ва ёрдам беришга интилиш шахсий ҳаётга аралашиш, жабрланувчини айблаш ёки унинг сирини ошкор қилишга айланиб қолмаслиги керак. Ишончни асраш, махфийликка риоя қилиш ва инсоннинг қадр-қимматини ҳимоялаш ҳар қандай ёрдамнинг асоси бўлиши зарур.

Шунингдек, жабрланган шахсга “оила бузилмасин”, “болаларингни ўйла” ёки “чидаб яшаш керак” қабилидаги гаплар билан босим ўтказиш муаммони ҳал қилмайди. Аксинча, бундай муносабат уни янада ёлғизлантириши мумкин. Оилани сақлаш муҳим қадрият, аммо унинг номи билан инсоннинг хавфсизлиги ва шаънини қурбон қилиб бўлмайди.

Зеро, жамиятдаги ҳақиқий инсонийлик оғир вазиятда қолган инсонни қандай қўллаб-қувватлашига қараб баҳоланади. Зўравонликдан жабрланган киши ёрдам сўраганида унинг дарди эшитилса, ҳуқуқлари ҳимоя қилинса ва мустақил ҳаёт бошлаши учун имконият яратилса, ана шунда ҳимоя қоғоздаги ҳужжатдан ҳаётдаги таянчга айланади.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

“ДЕВОРНИНГ ҲАМ ҚУЛОҒИ БОР”...(МИ?)

Айрим гаплар айтилган жойида қолмайди, баъзи ошкор бўлмаслиги керак бўлган сирлар қулоқларга етиб боради. Халқимиз бежизга “Деворнинг ҳам қулоғи бор” демаган. Бу ибора асрлар оша инсонларни сўзга эҳтиёткор, муомалада мулоҳазали бўлишга чақириб келади.



Халқ мақол ва ибораларида ҳаётнинг катта ҳақиқатлари баъзан бир оғиз сўз билан ифодаланади. “Деворнинг ҳам қулоғи бор” ана шундай теран маъноли иборалардан бири. Албатта, девор эшитмайди. Аммо унинг ортида кимдир турган, ёпиқ эшик ортидаги гапни кимдир эшитган, сир деб айтилган сўз эса кутилмаган одамларга етиб борган бўлиши мумкин. Халқ донишмандлиги шу оддий ҳаётий ҳолатни рамзга айлантирган.

Бу ибора, аввало, инсонни ҳар бир сўзининг оқибатини ўйлашга ундайди. Чунки сўз оғиздан чиққач, уни қайтариб олиш қийин. Айниқса, биров ҳақидаги гап, оилавий сир ёки ишонч асосида айтилган фикр ўз доирасидан чиқса, унинг оқибати оғир бўлиши мумкин. Баъзан бир оғиз эҳтиётсиз сўз одамлар ўртасига совуқчилик солади, йиллар давомида шаклланган ишончга дарз кетказади.

Бугун ахборот тез тарқаладиган замонда бу иборанинг мазмуни янада кенг маъно касб этмоқда. Илгари одамлар хонадаги суҳбатни эшитиб қолишларидан хавотирланган бўлса, энди телефон орқали ёзилган хабар, овозли ёзув, ижтимоий тармоқдаги изоҳ ёки шахсий суҳбатдан олинган лавҳа ҳам кутилмаган тарзда оммалашиши мумкин. Демак, “деворнинг қулоғи” фақат хона деворлари билан чекланмайди. У ахборотнинг назоратсиз тарқалиши, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва рақамли мулоқот маданияти ҳақида ҳам огоҳлантирувчи рамз.

Деворнинг қулоғи бўлмаслиги мумкин, аммо ҳар бир сўзнинг гувоҳи, ҳар бир гапнинг оқибати бор. Айтилган сўз унутилиши мумкин, лекин у қолдирган из инсонлар қалбида узоқ сақланиб қолади.

Шоаҳмад ШОМАҚСУДОВнинг «Маънолар маҳзани“ китобидан.

ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА

Бир лаҳзалик бепарволик — бир умрлик надомат

Тун. Соат тахминан 01:00. Кўчаларда ҳаракат сийраклашган, кўпчилик уйқуда. Аммо шу пайтда йўлда содир бўлган бир фожиа икки ўсмирнинг тақдирини ўзгартирди. Бири оғир жароҳат билан шифохонага тушди, иккинчиси... Ҳали мактабда таҳсил олаётган, ҳаётнинг катта синовларига эндигина қадам қўяётган болалар учун келажак режалари шу тариқа бир лаҳзада ўзгарди.



Марям САЛИМЗОДА.

Жорий йилнинг 9 октябрь куни Термиз туманидаги “Наврўз” маҳалласи ҳудудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси ана шундай аянчли оқибатларга олиб келди. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган 10-синф ўқувчиси онасига тегишли “Cobalt” русумли автомашинани юқори тезликда бошқарган ва йўл ўртасидаги ёритиш устунига урилган. Ҳодиса оқибатида ҳайдовчи оғир жароҳатланган, унинг 2010 йилда туғилган синфдоши эса воқеа жойида вафот этган.

Бу воқеа юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Ҳуқуқий баҳони ваколатли органлар беради. Бироқ ҳодиса тафсилотлари жамият олдига жиддий масалаларни кўндаланг қўяди. Баъзан ота-оналар фарзандининг улғайиб қолганини, машина ҳайдашга қизиқишини ёки транспорт воситасини бошқаришга қодирлигини кўриб, унга ортиқча ишонч билдириши мумкин. Аммо автомобиль ўйинчоқ эмас. У нотўғри бошқарилса, нафақат ҳайдовчининг, балки йўловчилар ва йўлдаги бошқа инсонларнинг ҳам ҳаётига хавф солиши мумкин.

Фарзанд тарбияси фақат унинг таълими, кийим-кечаги ёки кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан чекланмайди. Унинг қаерда юргани, кимлар билан вақт ўтказаётгани ва қандай қарорлар қабул қилаётганига ҳам бефарқ бўлмаслик керак.

Автомобиль калитининг бола қўлига тушиб қолмаслиги, транспорт воситасидан фойдаланиш устидан назорат ўрнатилиши ҳам оилавий масъулиятнинг бир қисмидир. Чунки хавфнинг олдини олиш унинг оқибатларини бартараф этишдан кўра осонроқ.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш фақат жарима ёки жазо билан ҳал бўладиган масала эмас. Бунинг учун оила, мактаб, маҳалла ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлиги зарур.

Мактабларда йўл ҳаракати қоидаларига бағишланган машғулотларни қуруқ тушунтиришлар билан чекламасдан, ҳаётий мисоллар ва амалий машғулотлар орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчиларга ҳайдовчилик ҳуқуқисиз транспорт бошқаришнинг хавфи ва йўловчилар ҳаёти учун жавобгарлик ҳақида аниқ тушунча бериш лозим.

Маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ва таълим муассасалари вакиллари ҳам ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва ота-оналарнинг масъулиятини оширишга қаратилган ишларни кучайтириши зарур.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Яккабоғ тумани Хўжаилғор қишлоғида Соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган МИЛЛИЙ ОТ СПОРТИ МУСОБАҚАЛАРИ ташкил этилди.



“ХИЁБОН ОҚШОМЛАРИ” ЛОЙИҲАСИ доирасида жадидлар ҳамда қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган шеърлар танлови ўтказилади.



Шаҳрихон туманидаги “Ҳунармандлар маркази”да “АНДИЖОН ДЎППИСИ” МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ бўлиб ўтди.

2026 ЙИЛ
14 ОКТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

№83

Mahalla

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

ЧЕМПИОННИНГ КУЧИ — ИРОДАСИДА, ИБРАТИ — МАҲАЛЛАДА ТУҒИЛГАН ОРЗУЛАРИДА

Яқинда Японияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Акбар Жўраев даст ва силтаб кўтариш машқларида умумий 423 килограмм натижа билан Осиё ўйинлари чемпиони бўлди.



Даст кўтаришда 197 килограмм тошни боши узра кўтариб, **жаҳон рекордини янгилади.** Силтаб кўтаришда эса биринчи уринишдаёқ 226 килограммлик тошни ўзига бўйсундириб, **Осиё ўйинлари рекордини ўрнатди.** Икки кураш натижаси ҳам **мусобақа рекорди** ҳисобланади.

— Осиё ўйинлари олтин медали мен учун муҳим мақсадлардан бири эди, ***— дейди Акбар Жўраев.*** *— Бу натижага эришиш учун узоқ вақт тайёргарлик кўрдик, ҳар бир машғулотда ўз устимда ишлашга ҳаракат қилдим. Оғир атлетикада натижага эришиш учун фақат кучли бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Интизом, техника, руҳий тайёргарлик ва мураббий билан ҳамжиҳатлик жуда муҳим. Баъзан машғулотлар жуда оғир кечади, кутилган натижа дарҳол келмаслиги мумкин. Шундай пайтларда мақсадни эслаш ва ўзингга бўлган ишончни йўқотмаслик керак.*

Акбар Жўраевнинг халқаро майдондаги йўли ҳам босқичма-босқич шаклланган. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони ва рекордчиси бўлган Акбар кейинчалик катталар спортида ҳам ўз ўрнини топди. “Токио-2020” Олимпиадасида чемпионликка эришди, жаҳон чемпионатларида уч карра олтин медални қўлга киритди, жаҳон кубоги ғолиби бўлди, икки карра Осиё чемпиони ва Ислом бирдамлик ўйинларининг олти карра ғолиби сифатида танилди.

Шунга қарамай, Осиё ўйинлари олтин медали унинг спортчилик фаолиятида ҳали эришилмаган марра бўлиб қолган эди. Япониядаги ғалаба ана шу мақсадга етказди.

Акбар Жўраевнинг ҳаёт йўли Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Кичиксой” маҳалласи, Сойлик қишлоғидан бошланган. Унинг спортга кириб келиши ҳам оилавий муҳит, яқинларининг таъсири билан боғлиқ. У акаси Азиз Жўраевга эргашиб спортга қизиққан, дастлабки машғулотлар орқали бу йўлга қадам қўйган.

— Акбарнинг бугунги ютуқларини кўриб, унинг қаердан бошлаганини эслаймиз, ***— дейди “Кичиксой” маҳалласи раиси Ёдгор Мирзажонов.*** *— Чемпион бўлиш учун истеъдоднинг ўзи камлик қилишини, бунинг учун йиллар давомида меҳнат қилиш кераклигини унинг ҳаёти мисолида кўриш мумкин. Энг муҳими, Акбар ўзининг натижалари билан маҳалламиз ёшларига ҳам йўл кўрсатяпти.*

Бугун маҳалламизда Акбар Жўраев номи билан боғлиқ яна бир муҳим воқелик бор. Президент ташаббуси билан маҳаллада унинг номидаги оғир атлетика спорт мактаби қад ростлаган. Мажмуада машғулотлар зали, мураббийлар ва тиббиёт хонаси, ётоқхона, ошхона, кичик стадион ва бошқа керакли қисмлар мавжуд. Айни пайтда бу ерда 80 нафардан зиёд ёш оғир атлетика сирларини ўрганмоқда.

Маҳалла раисининг қайд этишича, Акбарнинг маҳалласига кўрсатаётган эътибори спорт билан чекланмайди. **Унинг ташаббуси билан маҳалладаги мактаб мукаммал таъмирланган.** Бу ҳам чемпионнинг ўз юрти олдидаги масъулиятни ҳис қилиши, ўзи таълим олган муҳит ва бугунги ёшлар келажагига бефарқ қарамаслигини кўрсатади.

Акбар Жўраев “Ўзбекистон ифтихори” ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвонлари билан тақдирланган. 2018 ва 2021 йилларда “Йилнинг энг яхши спортчиси” деб топилгани ҳам унинг спортимиздаги ўрнини кўрсатади.

“Кичиксой”даги болакайнинг катта спорт майдонларигача босиб ўтган йўли бугун янги мазмун касб этмоқда. Бир пайтлар акасига эргашиб спортга кириб келган Акбар энди бошқа болалар эргашиши мумкин бўлган намунага айланди.

МУЛОҲАЗА

Пул

Пул алмашганида, хаёлим қочган эканми, бир даста “бели синмаган” қизил ўн сўмликлар кўздан нарироқ жойда қолиб кетибди. Орадан анча вақт ўтгач кўриб қолдик. Бундай қарасанг — муомаладан чиққан бўлса ҳам кўзингга чўғдек кўринади, қанча йиллар белимизни бақувват қилиб юрган муллажиринг-да. Аммо энди қимматини бутунлай йўқотган, оддий қоғоз. Ташлаб юборай десанг, кўзинг қиймайди, сақлай десанг, фойдаси йўқ.



БУ ТУРФА ДУНЁ

(Ўзим учун қайдлар)

Собиқ тузумнинг пуллари ўтмас матоҳга айланганида қизиқ бир воқеа юз берган экан. Мамлакат миқёсидаги махсус омборхоналардан бирига муомаладан чиққан бир неча минг вагон қоғоз пуллар тўпланибди. Банк ходимлари, пул зарб қиладиган мутахассислар уларни нима қилишни билмай, роса бошлари қотибди. Кимдир уларни қайта ишлаб, чорва моллари учун озуқага айлантирса бўлади, деган экан, синаб кўришса, бундай “озуқа”ни еган сигирнинг сути нақд заҳарнинг ўзи бўлар экан. Бошқа бир киши пулларни қоғоз майдалагичдан ўтказиб, цементга қўшиб қурилишда ишлатишни таклиф қилибди. Аммо бунинг ҳам иложи бўлмабди — бундай қилинса, янги иморатларнинг деворлари “ҳа-ҳу” демай нурай бошлар экан. Охири туби кўринмайдиган чуқур кавлаб кўмадиган бўлишибди. Бундан хабар топган эколог олимлар: “Йўқ, мумкин эмас, қанча майдон, ерости сувлари заҳарланади”, деб оёқ тирашибди. “Яхшиси, ёқиб юбора қолайлик”, деган қарорга келишган экан, катта жанжал бошланибди. Бундай қилинса, ҳавога неча минг-минг тонна заҳар чиқиб кетар экан...

Мана сизга, пул деганлари. Аслида у кимёвий йўл билан ишлов берилган, турли рақамларнинг сурати туширилган расмли қоғоз. Бошқа ҳеч нарса эмас. “Пул нима?”, деб сўрасангиз, олимлар: “Тўлов воситаси”, деб жавоб беришади. Шундай. Чунки биз унга ишонамиз, ери кўкка ишонмаган сиримизни шу пул, деб аталмиш қоғозга ишонамиз. Уни гоҳо ўзимиздан ҳам яширамиз. Пулга буюк халоскор, деб тушунамиз. Пул билан ҳамма нарсани ҳал қилса бўлади, ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин, деган фикр онг-шууримизга сингиб кетган. Шу маънода бу қуриб кетмагур дастмоя кўпларнинг кўзига ҳаётнинг бош маъноси бўлиб кўринади.

Пулдорларга эътибор беринг. Уларнинг ҳаммаси ҳам донишманд одамлар эмас. Аммо айтганлари айтган, деганлари деган. Қўйин-қўнжингиз тўла бўлса, сиз ҳам бетўхтов эътиборга тушасиз, атрофингиздан одам аримайди. Ҳузурингизга келишади, сиз билан маслаҳат қилишади, йўл беришади, гапингизга қулоқ осишади, қаерга борманг, жойингиз тўрда бўлади.

Аксинча бўлса-чи? Оч баччағардан қоч, баччағар. Давраларда ўзингизни камтарроқ тутганингиз маъқул. “Ким ўзи у, ҳамёнида тўрт тангаси йўқ, гердайишини қара”, деб қолишса, хижолат тортиб кетасиз.

Пулсиз одамнинг кўзи кўпинча нурсиз, нигоҳи маҳзун, сўзи деярли беўхшов бўлади, бундай одамлар ҳатто кулишни ҳам ўрнига қўйиша олмайди. Пулдорнинг йўриғи бошқа: нима деса — тўғри, нима гапирса — қизиқ, нима кийса — ярашиқли. Хоҳласа — маҳаллага қўшилади, хоҳламаса — уйида ёнбошлаб ётиб ҳам ишини битираверади.

Пулдор бўлсангиз, тўй-маъракага амалдорлар қаторида айтиласиз. Қаерда ким билан ўтиришингиз, “Бегники бежоғли” дегандай, аввалдан белгилаб қўйилган. Атрофингизда одамлар парвона. “Иккинчи овқатни тортаверайликми?” ёки “Фалончилар келиб қолди, қаерга олайлик?”, дея сиздан маслаҳат сўраб туришади.

Пул — инсонга тегишли кичик бир ихтиро. Бу ихтиродан уни ўйлаб топган инсондан бошқа ҳеч ким азият чекмайди...



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Ваколат

Қаламкаш дўстларимиздан бири таваллудининг олтмиш йиллиги нишонланаётган эди. Маросимда қатнашаётган меҳмонлардан бири сўз олиб, “Жўра, мен сизни ўз номимдан, оилам номидан, қолаверса, бутун вилоятимизнинг фалон миллионли меҳнаткашлари номидан қизғин табиклайман, сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Оилангиз, дўст-қадрдонларингиз ва халқимиз бахтига ҳамиша соғ-омон бўлинг” деди ва юбилярнинг елкасига зарбоф тўн ёпди.

Шу нотиқдан: “Биродар, йўлга чиқаётганингизда вилоят меҳнаткашлари сизга шундай ваколат берганми?”, деб сўрагудек бўлсангиз, албатта, хафа бўлади.

Тўйлардан бирида ўртакаш йигит санъат соҳасида энди-энди тетапоя қилаётган, ўз ижро йўлини топиб улгурмаган ҳофиз болани мақтаб кетди: “Энди халқимизнинг яна бир севимли хонандаси, элимизнинг меҳрини қозонган санъаткор укамизга навбат берамиз. Келинг, муҳтарам ҳофиз, халқимиз сизнинг гўзал қўшиқларингизга ҳамиша интизор...”

Бошқа бир ҳофиз бир издиҳомда нолиб қолди: “Менга қолса, шу унвон деганлари, асли, шарт эмас. Шусиз ҳам эл ардоғидамиз, қаерга борсак ҳурматимизни жойига қўйишади, қуллуқ қилиб кутиб олишади. Аммо халқ кутиб турибди-да. Халқнинг фикрини ҳам инобатга олиш керак...”

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

БИРОВНИНГ ГУНОҲИНИ БЎЙИНГА ОЛИШ ЖОИЗМИ?

Руслан ШЕРМАТОВ. Қашқадарё вилояти:

— Айрим давраларда ўртоқлар бир-бирига “фалон ишни қилавер, гуноҳи менинг бўйнимга” ёки “мен жавоб бераман”, деган гапларни айтиб, ўзлари қилаётган гуноҳга ундашади. Бундай дейиши динимизда жоизми?



Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Албатта, бундай дейиш ўта хатарли ҳисобланади. Аввало шуни айтиш керакки, бировнинг гапига учиб, гуноҳ иш қилган одам жавобгарликдан қутулиб қолмайди, ҳар ким қилган иши учун ўзи жавоб беради. “Ўзим жавоб бераман, гуноҳи менинг бўйнимга” деяптию, “қилаверай-чи, ўзи жавоб бераверади-да”, деган эътиқодда гуноҳга қўл урса, барибир гуноҳкор бўлади. Уни ўша ишга тарғиб қилган томон эса икки ҳисса гуноҳкордир: бири ўша ишни қилгани учун, иккинчиси ўзгаларни ундагани учун.

Аллоҳ таоло “Анкабут” сурасида шундай марҳамат қилади: **“Ва куфр келтирганлар иймон келтирганларга: “Бизнинг йўлимизга эргашинглар, хатоларингизни биз кўтарайлик”, дерлар. Ҳолбуки, улар аларнинг хатоларидан ҳеч бир нарсани кўтаргувчи эмаслар. Албатта, улар ёлғончилардир. Албатта, улар ўз юк(гуноҳ)ларини ҳам, у юклар билан бирга бошқа юкларни ҳам кўтарурлар. Албатта, қиёмат кунида уйдириб юрган нарсалари ҳақида сўралурлар** *(12-13-оятлар).*

Агар пилдирамаса...

Рақамларнинг сеҳрли кучи, имконияти ҳақида жуда кўп ёзилган. Бир вақтлар мен ҳам бильярд ўйинининг рақамланган шарларига битиклар ёзганман. Ўшанда хаёлимни рақамсиз, белига икки томондан қора чизиқ тортиб қўйилган шар тортган эди. Ўйин қоидасига кўра, бильярд ўйновчи бошқа шарларни шу “белбоғли” шар билан уради. Ўйиннинг бошидан охиригача бечора шарнинг бошида калтак синади. “Белида белбоғи бор-да, калтак ейди, белбоғсизлар бўлса, бир четда тўрга қачон тушишларини кутиб туришаверади”, деб ёзгандим.

Кейинроқ улуғ бобомиз Муҳаммад Хоразмий ихтиро қилган “ноль” ҳақида алоҳида битик ёзмоқчи бўлдим. Бунга “1” рақами сабаб бўлди. Қизиқ ҳолат: 1 ни 1 га қўшса 2 бўлади, бир-бирига қўшилмай, шунчаки ёнма-ён туриб қолишса 11 га айланади.

Нол-чи? Ўзича ҳеч қандай кучга эга эмас, бир ўзи ҳеч нимани ҳал қилмайди ҳам. Нолмисан ноль. Аммо пилдираб бориб, 1 нинг ёнига туриб олса 10 га, 5 га яқинлашса 50 га, 9 нинг атрофида гирдикапалак бўлса, 90 га айланади. Дунё унинг измига ўтгандай бўлади.

Ён дафтаримга қуйидаги сўзларни ёзиб қўйдим: “Атрофимиздаги баъзи одамларни нолга ўхшатиш мумкин. Қўлларидан дурустроқ бир иш келмайди. Бирор гап сўрасангиз, “Фалончининг айтишича...”, деб гап бошлайди. Аммо пайт пойлаб туриб кимгадир яқинлашади, кимнингдир пинжига киради ва... кутилмаганда катта кучга айланади.

Бундай одамлар, устоз Бальзак айтганидай, фақат пилдираб кун кўради”.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис:
«MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.
8 309 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020